Ўзбекистон овози

Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 217 (21. 084) 1991 йил 9 ноябрь, шанба ● Йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

«Ўзбекистон овози», ТАСС, ЎзТАГ ва рўзномамиз жамоатчи мухбирлари хабар берадилар

Эшитмадим, деманглар

ҲОСИЛ БАЙРАМИ

Жумҳуриятда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш режасини бажарган Бухоро вилояти деҳқонлари ҳосил байрамини ҳам шодиёна нишонламоқдалар.

Кеча Вобкент шаҳрида район пахтакорларининг шундай байрами катта тантана билан ўтди. Тўпланганларни халқ депутатлари район кенгашининг раиси Ш. Иброҳимов меҳнат зафари билан қизғин табриклади.

Район пахтакорлари бу йил давлатга 45,5 минг тоннадан зиёд хом ашё топширдилар. Ҳар гектар ернинг ўртача ҳосилдорлиги 37,5 центнерни ташкил қилди. Бу республикада энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Охунбобоев номли, «Октябрь», Ленин номли, «Коммунизм», Калинин номли, Қ. Муртазоев номли жамоа хўжаликлари эса гектар бошига 38—44 центнерлик маррага эришдилар.

Район деҳқонлари сабзавот, полиз маҳсулотлари топшириш бўйича ҳам юқори натижаларга эришдилар. Чорвадорлар давлатга гўшт, сут топшириш йиллик режасини бажариш арафасида турибдилар.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ КЕНГАШИДА

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгашида Олий Кенгашнинг навбатдаги сессиясини тайёрлаш ва ўтказиш учун махсус тузилган депутатлар гуруҳи ишлаб турибди.

Гуруҳ номига бўлажак сессия кун тартибига бир қанча ҳаётий зарур масалаларни киритиш тўғрисида кўпдан-кўп таклифлар тушмоқда. Қўшимча таклифларни тегишли комитет ва комиссияларда пухта ишлаб чиқиш, улар юзасидан қарор лойиҳаларини тайёрлаш, улар билан халқ депутатларини барвақт таништириш учун зарур тадбирлар мажмуини амалга ошириш кераклигини эътиборга олиб, ишчи гуруҳи таклифлар ва истакларни шу йилнинг 12 ноябригача юборишни илтимос қилади.

Шу муддатдан кейин тушган таклифлар навбатдаги сессияни тайёрлаш пайтида кўриб чиқилади.

Бизнинг телефонларимиз: 39-55-79; 39-85-83; 39-85-07, 39-86-54; 39-85-61.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг саккизинчи сессиясини тайёрловчи ва ўтказувчи депутатлар гуруҳи.

Илгари хабар қилинганидек, Мирзачўлни ўзлаштириш бошланганлигининг 35 йиллиги шарафига Гулистон шаҳрида катта байрам бўлиб ўтди. Шонли санага бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилиш қатнашчиларининг аксарияти чўлга ҳужумни давом эттириш керак, деган фикрни билдирдилар.

СУРАТЛАРДА: тантанали йиғилиш пайти; қўриқ ерни ўзлаштиришга илк бор киришган чўлқуварларнинг бир гуруҳи.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзТАГ) олган суратлар.

ЯНГИЛИКДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

...НИҲОЯТ ЎҚИТИЛАДИГАН БЎЛДИ

Эсингизда бор, бир неча йил муқаддам айрим олийгоҳлардаги ўзбек тили ва адабиёти кафедралари ёпиб қўйилган, талабалар она тили ва адабиётини чуқур ўрганмай, чала мутахассис бўлиб етишаётган эди. Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўқишлар ўзбек тилида олиб бораладиган олий ўқув юртлари ва техникумларида адолат тантана қиладиган бўлди. Бу ерда 1991 — 1992 ўқув йилининг иккинчи ярмидан бошлаб ўзбек тили ва адабиёти бўйича махсус курслар ташкил этилади. Республика олий ва ўрта махсус таълим вазири бу ҳақда буйруқ чиқарди.

1992 йилнинг 1 сентябридан эса вазирликка қарашли олий ва ўрта махсус таълим мактабларида 70 соат ҳажмида ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитилади. Бу сиёсий тарих, ижтимоий-сиёсий муносабатлар ва маданиятшуносликни ўрганишга бағишланган соатларни қайта кўриб чиқиш ҳисобига амалга оширилади. Ўз-ўзидан маълумки, бу «Ўзбекистон халқлари тарихи» фанини ўрганишга ажратилган соатга таъсир этмайди.

Олий ва ўрта махсус таълим мактаблари бу фаннинг соатларини ўқув юртларига мос қилиб тасдиқлашлари, маърузалар, семинарлар, суҳбатлар, консультациялар ва ўқитувчилар назоратида мустақил ишларни амалга оширишлари зарур.

Бугунги кунда ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитишнинг янги дастурлари ва қўлланмаларини яратиш бошлаб юборилди.

М. ПИРМАТОВ.

● ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ — АМАЛДА

ИМКОНИЯТЛАР ҚИДИРИЛМОҚДА

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан барча соҳаларда бўлгани каби зиёлилар, талабалар ҳам ижтимоий муҳофазага зарурат сезмоқда.

Республика Президенти Фармони билан худди шу мақсадлар учун 7,7 миллион сўм маблағ ажратилди. Шу ўринда қайд этиш лозимки, 1991 йил апрелдаги «Республика илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари ойлик маошларини 30 фоизга ошириш ҳақида»ги Президент Фармони фанимизга бўлган эътибор кучаяётганлигидан далолатдир.

Республика бюджетидан 373 минг сўм ажратилди, бу 15 фоизни ташкил этади. Қолган 15 фоиз маблағни қоплаш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ички имкониятларни ҳисоблаб чиқиб 345,35 минг сўм пул топди. Президент Фармонига кўра худди шу масалаларни ҳал этиш учун 717,35 минг сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган эди.

Шунингдек, Молия вазирлиги ҳар бир илмий ходимни 60 сўм товон билан таъминлаш учун жами 707 минг сўм сафрлашни назарда тутмоқда...

Лекин излаб топилаётган имкониятлар, ажратилаётган маблағлар бугунги кун талабини тўла қондиради деб эътироф эта олмаймиз. Буни назарда тутган республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси «Чакана нархлар ислоҳоти муносабати билан Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш бўйича қўшимча тадбирлар ҳақида»ги қарори асосида илмий ходимлар шароитини яхшилаш; олий ўқув юртлари, ўрта махсус ўқув юртлари талабаларига товон пули ажратилди. Талабалар стипендияларини ошириш учун 5,6 миллион сўм харажат қилинди.

Шунингдек, республикамиз вилоятларидаги олий ўқув юртлари ҳамда улар филиалларининг очилиши ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг муҳим тадбирларидан бири деб ҳисоблаймиз.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, биринчи бор Президент Фармони билан хорижий элларда, шунингдек, АҚШда ёшларнинг билим олишлари учун валюта ажратилди. Бу маблағга республикамизнинг энг иқтидорли ёшлари хорижда таҳсил олаяпти.

Равшанки, келажакда бу иқтидорли ёшлар ўз касбининг билимдонлари бўлиб, республикамиз иқтисодиёти равнақига, халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қиладилар.

С. ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ШИФОКОРГА ТИЛ ЎРГАТИБ

● Республикамизда ўзбек тили — Давлат тили ҳақидаги Қонунни ҳаётга татбиқ қилиш йўлида хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда Андижон вилоятида шу мавзуга бағишланган кенгайтирилган йиғин бўлди. Фарғона водийси вилоятларининг соғлиқни сақлаш бўлимлари, район шифохоналари, санитария ходимлари, тиббиёт олий билимгоҳларининг ўқитувчи-олимлари ва бошқалар қатнашдилар. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг муовини Б. Йўлдошев тиббиёт муассасаларида давлат тилини ҳаётга жорий қилиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида сўзлади. Хусусан, водийдаги тиббиёт муассасаларида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам ахборот берилди. Ютуқлар билан бирга нуқсонлар ҳам таъкидланди. Жумладан, ҳалигача пештахта, лавҳа, ва пешлавҳаларда битилган ёзувларда чалкашлик ва имло хатолар борлиги ҳақида сўз борди. Йиғинда республика атамашунослик қўмитаси тиббиёт бўлимининг раиси, академик Ё. Х. Тўрақулов шифокорлар орасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритди. «Ўзбек тили — Давлат тили»га бағишланган кўчма мажлис шифокорлар билан мулоқотни янада яхшилаш йўлида муҳим аҳамият касб этди.

Т. БОБОХЎЖАЕВ.

КЎРИК ҒОЛИБЛАРИ

Жиззах вилоятининг Дўстлик районидаги 23 боғча, 14 мактаб жамоалари эса йил бошидаёқ А. Навоийга бағишланган кўрик-танловдан муваффақиятли ўтишга аҳд қилган эди. Ғолиблик учун кураш қизғин нафосат баҳсига айланди. Ёшлар ўз иқтидорларини намойиш этдилар. 2-мактаб ўқитувчиси Умиджоннинг Навоий ролини ўзига хос ўйнагани ёки 14-мактаб жамоасининг «Фарҳод ва Ширин» спектаклини рус тилида намойиш этиши таҳсинга лойиқ бўлди. Шоирнинг шеър ва ғазаллари асосида тайёрланган концертни 1-мактаб ўқувчилари қирғиз тилида ижро этиб, кўпчиликни ром этишди. Кўрик-танлов қатнашчиларидан 50 нафарига эсдалик совғалари берилди. Кўрик ғолибларига Навоий асарларидан намуналар олиш насиб этди...

С. АЛМАМЕДОВА.

Эшитмадим, деманглар

● Қиш эшик қоқмоқда

ҚУРУҚ ГАП БИЛАН УЙ ИСИМАЙДИ

Халқ нақлида «Қиш ўчоғи тор, тур уйингга бор», деб бежиз айтилмаган. Қорли-қировли кунларда иссиқ уйда ўтиришга нима етсин. Бироқ шароит ҳамиша биз истагандек бўлавермас экан. Мисол учун, Самарқанддаги микрорайон, Сўғдиёна, Ҳортепа мавзеларида яшовчи кўплаб фуқаролар ана шундай армон билан юришибди. А. Икромов номли кўчанинг 14-уйида истиқомат қилувчилар йил бошидан бери иситиш тармоқлари ишдан чиққанлигидан нолийди. Катталар-ку бир амаллар, аммо совуқ кунларда болалар, чақалоқларнинг аҳволи не кечади? 6-уй жойлардан фойдаланиш идораси раҳбарлари эса ҳузурига келганларга баҳоналар, ваъдалар, қоғозлар кўрсатавериб, ўрганиб қолишган. Аммо, қуруқ гапга уй исимайди-ку? Қизиқ, ўзи ҳар йили шунақа: куз ҳавоси совиб, этни жунжитгандан кейингина уйимиз исимаслиги эсга тушади. Фақат аҳоли эмас, назаримда Самарқанддаги мутасадди идоралар раҳбарлари ҳам шундай кайфиятга ўрганиб қолишган. Одатда қиш бошланиши олдидан ҳамма нарса мавсумга тахт деб ваъда беришади. Аммо, совуқнинг учинчи куниёқ аҳволимиз барчага аён бўлади. Ўтган йили ҳатто қуёшнинг терисидай қалинликда ёққан қорни эплай олмай, барча кўчаларни музлатиб ҳамалакка айлантиришди.

Бу йилчи, бу йил қандай бўларкин? Биз ана шу савол билан Самарқанд шаҳар ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Шароф Ҳатамовга мурожаат қилдик:

— Аҳвол бу қадар ваҳима қиладиган даражада эмас. Чунки анча ўзгаришлар қилябмиз. Фақат жумҳурият Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ремонт учун керакли материалларни август ойида берганлигини айтиб ўтишим керак, — деди у.

Бир қараганда қишга тайёргарлик ўз маромида бораётгандек. Бу масала ҳафтада икки марта махсус штаб йиғилишида кўрилади. Жумҳурият Уй-жой-коммунал хўжалиги вазирлигининг кўчма мажлиси Самарқандда ҳам ўтказилди. Бундан ташқари қишга тайёргарлик ишларини вилоят ва шаҳар Кенгашлари раёсатларида муҳокама қилишди. Тадбирлар белгиланди. Масъуллар биркитилди. Тортишувлар ҳам йўқ эмас.

«Автовазагрегат» заводи буғ қозони ишга туширилди. У иккита уй-жой мавзесини иссиқ сув билан таъминлайди. Сут заводидан Сартепага қадар 8 километрлик иссиқ сув қувури ўтказилди. Шаҳар атрофида 19 километр узунликда табиий газ қувури монтаж қилинди. Жарариқ, Шар, Сиёбча каналлари тозаланди, бетонлаштирилди. Режалаштирилган 626 та кўп қаватли уйнинг 541 тасида иссиқлик тармоқлари созланди. 46 минг квадрат метр уй-жой ремонтдан чиқарилди, 29 та буғ қозонидан 27 таси тайёр ҳолга келтирилди.

Ҳа, қишга ҳозирлик кўрилябпти. Бироқ негадир қиш келди, дегунча уйларнинг қарийб ярми исимай қолади. Кўчаларда ковла-ковла бошланади, қувурлар ёрилаверади, ертўлалар сувга тўлаверади. Шикоятлар, асаббузарлик...

— Менимча, шаҳар хўжалигида ишнинг катта-кичиги йўқ. Майда камчиликларга эътиборсизлик туфайли ташвиш ортади, — дейди Сартепадаги 156-уй қўмитаси раиси А. Самандаров. — Ми сол учун бизнинг уйимиз «Регистон» уй-жой кооперативига қарайди. Шуни айтишим керакки, кооператив раиси Ш. Ҳошимов уйни жуда кўп камчиликлар билан қабул қилган. Ёмғир ёғса 9-қаватдагилар томидан чакка ўтади. Сув тақчил деймизу, бизнинг ертўлада оби-ҳаёт мўлкўл. Уй атрофи бетонлаштирилмаган. Ҳатто қурувчилар телефон линияси ўтказишни ҳам унутишган. Лифт бир кун ишласа, бир ҳафта «дам олади». Чиқиндиларни ташийдиган машина келмайди. Бу ҳақда ёзавериб, шикоят қилавериб чарчадик.

Очиғини айтсам бундай арзномаларни ўқийвериб, эшитавериб шаҳар уй-жой бошқармаси бошлиғи А. Асадуллаев; иссиқлик қувватлаш таъминоти бошқармаси бошлиғи А. Железняков, шаҳар ремонт-қурилиш трести бошлиғи М. Шароповнинг дийдаси қотиб кетган.

— Не илож, уларнинг ҳам имкониятлари чегараланганда, — дейди Ш. Ҳотамов.— Ремонт учун материал йўқ. Масалан, сув қувури ва шиферниг белгиланган фондидан бор-йўғи 30 фоизини беришди, холос. Яқинда жумҳурият Вазирлар Маҳкамасида Шартепа ва Сўғдиёна мавзеларига сув беришни яхшилаш кўрсатиб ўтилди. Бироқ ҳозирча бу ишни уддалай олмаймиз. Чунки ичимлик сувининг маълум қисмини саноат корхоналари олиб қўйишди. Эҳтимол Чўпонота, Дахбед сув ҳавзалари такомиллаштирилса сув таъминоти яхшиланар.

Хуллас, Самарқандда қишга тайёргарлик ана шундай аҳволда. Бу мавсумнинг ярмига бориб панд бериши мумкин. Ҳозирча шаҳардаги халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасалари бошлиқлари озгина қувур ёки винтел излаб минг эшикка бош суқиб юришибди. Ким билади дейсиз, балки уларнинг ҳаракатларини мутасадди идоралар қўллаб-қувватлашар. Ҳар қалай қорли қировли кунларда «Қиш ўчоғи тор, тур, уйингга бор» деб юрмасак бўлгани.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Сайёрамиз нафаси

● ВАРШАВА. Польшада парламент сайлови бўлиб ўтди. Унинг натижалари «Бирдамлик» касаба уюшма бирлашмаси сиёсий маглубиятга учраганидан яққол далолат бериб турибди. ПАП ахборот бошқармасининг хабар қилишича, мазкур касаба уюшмасининг раҳбар органи —умумпольша «Бирдамлик» комиссиясининг Гданьскда бўлиб ўтган мажлисида шу фикр таъкидланди.

● СОФИЯ. Демократик кучлар иттифоқининг парламентдаги фракцияси Болгария социалистик партияси давлатдан ғайриқонуний равишда олган мол-мулкни қайтариб бериш тўғрисидаги қонун лойиҳасини халқ мажлисининг муҳокамасига киритди. Иттифоқ раҳбариятининг фикрича, «собиқ Компартиянинг гумаштаси» бўлган бошқа партиялар ва ташкилотларга нисбатан ҳам шундай чоралар кўрилиши керак.

● ПРАГА. Чехословакия парламенти ЧСФРнинг бўлажак давлат ҳуқуқий тузилиши тўғрисида референдум ўтказиш ҳақида қонун қабул қилди. Парламент аъзоларининг кўпчилиги бу ҳужжатни қўллаб-қувватлади. Словакия миллий партияси билан Демократик Словакия ҳаракатининг вакиллари бу қонуннинг тасдиқланишига қарши чиқдилар, деб таъкидлайди ЧСТК ахборот бошқармаси.

Чехлар билан Словакларнинг ягона давлатини сақлаб қолиш нуқтаи назаридан бу қонун жуда муҳим ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланишини сўзга чиққан депутатлар таъкидлаб ўтишди. Чунки умумхалқ овоз беришининг натижалари Чехословакия сақланиб қолиши ёки қолмаслиги ҳақидаги саволга аниқ жавоб беради.

● БЕЛГРАД. Бу ерда ЮСФР ҳайъатининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда мамлакат олий давлат органининг саккиз аъзосидан тўрт киши, шунингдек ЮСФР скупшчинаси (парламенти)нинг раиси, ички ишлар иттифоқ котиби ва ЮСФР халқ мудофаси иттифоқ котибининг ўринбосари қатнашдилар.

Мажлис қатнашчилари мамлакатдаги долзарб ички сиёсий вазиятни кўриб чиқиб, сешанба куни Гаагада ўтаётган ЮСФР ва Европа ҳамжамияти ўртасидаги ассоциация кенгашининг очилиши тўхтатиш ва ҳарбий иншоотларнинг қамал қилинишини тўхтатиш тўғрисида эришилган битимга қарамай Хорватия Югославия халқ армиясининг казармаларини тўғридан-тўғри босиб олишга киришганини таъкидладилар. Хорватия раҳбарияти армияни республика ҳудудларидан олиб чиқиб кетишни ҳамда қурол-яроғ ва жанговар техникани республика қуролли тузилмаларига топширишни талаб қилди.

● ВАШИНГТОН. «Биз ҳаммамиз тарихнинг жуда буюк босқичидан ўтаяпмиз, бу босқичда чуқур ўзгаришлар ва силжишлар содир бўлмоқда. Бу — катта умидлар ва катта мавҳумликлар давридир», деди АҚШ давлат котибининг хавфсизлик, фан ва техника масалалари билан шуғулланувчи ўринбосари Рожинальд Бартоломью. Ракета технологиясини назорат қилиш тартиби масалаларига бағишлаб бу ерда очилган конференцияда сўзлаган нутқида у, жумладан, ракета қуроли ишлаб чиқарадиган барча мамлакатларни шу соҳадаги мураккаб технологияни бошқа давлатларга топширмасликка чақирди, чунки бошқа давлатлар бу қуролдан халқаро хавфсизликка таҳдид солиш учун фойдаланишлари мумкин, деб таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши комитетида

АРМИЯДАГИ ХИЗМАТГА КУНДАЛИК ЭЪТИБОР

5 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг давлат ва ижтимоий хавфсизлик, мудофаа ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда бир қанча вазирлик ва идораларнинг, Самарқанд вилоят ижроия комитетининг ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг раҳбарлари, Республика ҳарбий комиссариатлари, оммавий-ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этишди.

Мажлисни комитет раиси В. Р. Ниёзматов бошқарди.

Мажлисда Тошкент шаҳар ижроия комитети ва Самарқанд вилоят ижроия комитетининг ҳарбий хизматчилар оилаларини уй-жой билан, мактабгача тарбия болалар муассасаларидаги жойлар билан таъминлаш ва офицерларнинг рафиқаларини ишга жойлаштиришга доир иши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Ушбу масала юзасидан комитет аъзоси, Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари генерал-лейтенант Г. Г. Кондратьевнинг, Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари К. Р. Расуловнинг ва Самарқанд вилоят ижроия комитети раисининг ўринбосари М. А. Боқиеванинг, Самарқанд гарнизони вакили В. И. Черновнинг ахборотлари тингланди.

Мажлисда Тошкент шаҳар ижроия комитети ва Самарқанд вилоят ижроия комитети Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қисмлари ва бошқа бўлинмаларининг офицерлари оилалари учун республика ҳукумати қарорига мувофиқ уй-жой ажратиш юзасидан муайян иш олиб борилаётганлиги таъкидланди. Шу билан бирга мажлисда бу муҳим ишдаги мавжуд камчиликлар ҳақида ҳам сўз юритилди.

Тошкент шаҳар ижроия комитети билан Самарқанд вилоят ижроия комитетига юқори идораларнинг қарорларига ва улушбай иштирок этиш ҳисобига Тошкент, Самарқанд ва бошқа гарнизонлари ҳарбий хизматчиларининг эҳтиёжларини қондириш учун қўшимча уй-жой ва мактабгача тарбия болалар муассасаларида жойлар ажратиш юзасидан резервларни излаб топиш топширилди. Туркистон ҳарбий округи штабига жойлардаги ижроия комитетлари билан биргаликда ҳарбий шаҳарчалардаги мавжуд уй-жой фонди ва уларда истиқомат қилаётган фуқароларни, мактабгача тарбия болалар муассасаларида жойларнинг мавжудлигини таҳлил этиш тавсия этилди. Шундан сўнг Совет Армиясидаги хизматга муносабати бўлмаган фуқароларни ҳарбий шаҳарчалардан бошқа истиқомат жойларига кўчириш масаласини кўриб чиқиш зарур.

Мажлисда фуқароларни навбатдаги ҳақиқий ҳарбий хизматга чиқаришга тайёрлаш ва бу ишни ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди. Бу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси мудофаа ишлари вазири Р. У. Аҳмедов ва комитет аъзоси, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Б. У. Йўлдошев ахборот бердилар.

Республика фуқароларини 1991 йил октябрь-декабрь ойларида СССР қуролли кучларига, чегара ва ички қўшинларга навбатдаги чақириқ СССР Мудофаа ваазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасидаги битимга мувофиқ амалга оширилади. Фуқароларни ҳақиқий ҳарбий хизматга навбатдаги чақириқни ташкил этиш ва ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Вазирликлар ва идоралар, вилоят, шаҳар ва район Советлари раҳбарлари, чақириқ комиссияларининг раислари ва ҳарбий комиссариатлар мамлакат қуролли кучларида хизмат қилишни тарғиб этиш ва кузги чақириқни ташкил этиш учун барча зарур чораларни кўришлари шарт эканлиги мажлисда таъкидлаб ўтилди.

Комитет депутатлар гуруҳи томонидан тайёрланган «Ўзбекистонда сиёсий қатағонлар қурбонларини оқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Комитет мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҳузурида соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мудофаа ишлари, ижтимоий таъминот вазирликлари, давлат спорт комитетининг биринчи раҳбарлари, республика ҳуқуқий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари таркибида идораларо комиссияларни тузиш масаласи муҳокама қилинди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзТАГ).



● ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ районидаги Свердлов номли жамоа хўжалиги фермасида қишловга пухта озуқа жамғариш борасидаги режалар ланди. Айни пайтда сигирлардан 2600 қаймоқ сут олинди. 196 тонна гўшт бир колхозчига 8—9 килограммдан гўшт тарқатилди. Ҳар ҳозирлик кўрилди. ортиғи билан уддатоннадан зиёд сер етиштирилди.

СУРАТЛАРДА: 1. Хўжаликнинг озуқа лавлагиси тайёрловчилари. 2. Силос тайёрлаш пайти. 3. Илғор молбоқар Еркин Темиров.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

ОЛИМ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАБ

6 ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган фалсафахонлик олим ва жамоат арбоби, республика Фанлар академиясининг академиги, Беруний номли мукофот лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Иброҳим Мўминов хотирасига бағишланди. Уни Ўзбекистон Республикаси фалсафа жамияти, Республика Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳи, Тошкент давлат дорилфунуни ташкил этди.

Истеъдодли олим салмоқли ижодий мерос қолдирди, Ўзбекистонда ижтимоий фанларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. У фалсафа тарихи, илм-фан, маданият тараққиёти муаммоларига бағишланган икки юздан ортиқ илмий асарнинг муаллифидир. И. Мўминов кўп йил давомида Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти бўлди. Республика Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳининг ташкил этилиши унинг номи билан боғлиқ, илмгоҳга ҳозир олимнинг номи берилган.

Фалсафахонлик қатнашчилари ҳузурида таниқли олимлар хотираларини сўзлаб бердилар. (ЎзТАГ).

1992 ЙИЛДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАЪМИНОТИ ЮЗАСИДАН СУВЕРЕН РЕСПУБЛИКАЛАР (ДАВЛАТЛАР)НИНГ БИТИМИ

Суверен республикалар (давлатлар),

аҳолини озиқ-овқат билан ва саноатни қишлоқ хўжалик хом ашёси билан таъминлашни меъёрий изга солиш юзасидан ҳеч кечикмай бажамжиҳат ҳаракат қилиш бениҳоя муҳимлигини эътиборга олиб,

деҳқончилик-саноат ишлаб чиқаришида меҳнатни ихтисослаштириш ва тақсимлаш манфаатли эканини англаб;

ўзаро озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси етказиб бериш юзасидан республикалар (давлатлар) ўртасида вужудга келган хўжалик алоқаларини сақлаб қолиш истаги билан;

чет эллардан озиқ-овқат маҳсулотлари ҳарид қилиш соҳасида мувофиқлаштирилган сиёсат ўтказиш муддаосини изҳор этиб;

республикаларо (давлатлараро) озиқ-овқат жамғармасини ва давлат заҳираларини вужудга келтириш мақсадга мувофиқ эканини тасдиқлаб;

озиқ-овқат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалик хом ашёсининг ҳамда деҳқончиликда фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш воситаларининг нархлари хусусида келишилган сиёсат ўтказиш зарурлигига асосланиб, қуйидагилар ҳақида келишиб олдилар.

1. Умумий иқтисодий маконнинг энг муҳим таркибий қисми сифатида ягона озиқ-овқат бозорини шакллантириш йўли изчиллик билан ўтказилади, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва озиқ-овқат моллари ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш юзасидан республикалараро (давлатлараро) кооперация ҳар томонлама мустаҳкамланади, бу иш аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан ва қайта ишлаш саноатини хом ашё билан барқарор таъминлашнинг энг муҳим шарти деб ҳисобланади.

Суверен республикалар (давлатлар) ушбу битимда, шунингдек республикаларо (давлатлараро) шартномаларда кўзда тутилган озиқ-овқат моллари ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини ўз ҳудудларидан четга олиб кетишни чеклашга йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайдилар. Мазкур моллар ва хом ашёни четдан олиб келиш ва четга олиб чиқиш суверен республикалар (давлатлар) ҳудудида божсиз асосда амалга оширилади.

2. 1992 йил учун мудофаа, Москва шаҳри эҳтиёжларини ва бошқа умумий эҳтиёжларни, шу жумладан давлат заҳираларини таъминлаш учун республикаларо (давлатлараро) марказлаштирилган озиқ-овқат жамғармаси вужудга келтирилади. Ўзаро озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик хом ашёси етказиб бериш ҳажмлари суверен республикалар (давлатлар) томонидан республикаларо (давлатлараро) шартномаларга биноан мустақил равишда белгиланади.

3. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик хом ашёси республикаларо (давлатлараро) марказлаштирилган жамғармага 1991 йил 1 октябргача бўлган ҳолатдаги харажатларнинг қимматлашув коэффициенти ҳисобга олиниб келишилган ягона нархлар асосида етказиб берилади. Республикаларо (давлатлараро) маҳсулот етказиб бериш нархлари шартномаларда белгиланади.

Деҳқончилик-саноат мажмуининг корхоналари ва ташкилотларига (республикалар томонидан белгиланган рўйхатга биноан) энг муҳим турдаги моддий-техникавий ресурслар ҳам қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотини мутаносиб айирбошлаш зарурлигига асосланиб, келишилган нархлар билан етказиб берилади.

4. Чет эллардан озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик хом ашёси, материаллар, ветеринария дори-дармонлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва уруғликлар келтиришнинг амалдаги марказлаштирилган харид тартиби 1991 йилнинг охиригача ва 1992 йилнинг биринчи ярмида сақлаб қолинади.

1992 йилда озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик хом ашёси, материаллар ва бошқа маҳсулотлар суверен республикалар (давлатлар) томонидан белгиланган ҳажмларда чет эллардан харид қилинади.

5. Республикаларо иқтисодий комитетга озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик хом ашёси ва бошқа маҳсулотлар харид қилиш мақсадида деҳқончилик-саноат мажмуи учун кредитлар олиш, мол айирбошлаш ва бошқа ишларни қилиш тўғрисида чет давлатлар билан ушбу битим қатнашчилари номидан музокаралар ўтказиш ва шартномалар тузиш ҳуқуқи берилади. Комитет чет элларда озиқ-овқат ва хом ашё харид қилиш тўғрисидаги шартномалар қандай тузилаётганлиги ва уларнинг шартлари ҳақида суверен республикалар (давлатлар)ни мунтазам хабардор қилиб туради.

Мазкур комитет тузилгунга қадар бу вазифаларни СССР Халқ хўжалигини оператив бошқариш комитети бажаради.

6. Озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик хом ашёси ва материаллар етказиб берилишини мувофиқлаштиришни таъминлаш, шунингдек деҳқончилик-саноат мажмуининг маҳсулотига ва у фойдаланадиган моддий-техникавий ресурсларга нарх белгилашнинг келишиб олинган сиёсатини ўтказиш билан шуғулланувчи республикаларо ижроия органи тузилади. Суверен республикалар (давлатлар) томонидан тенг асосда тузиладиган мазкур орган таркибига суверен республикалар (давлатлар) ҳукумат бошлиқларининг ўринбосарлари ёки деҳқончилик-саноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти масалалари билан шуғулланувчи вазирлар кирадилар.

7. Томонларнинг ушбу битим юзасидан олган мажбуриятларини бажариши учун қатъий иқтисодий жавобгарлик белгиланади. Маҳсулот ўз вақтида етказиб берилмаса ёки унинг транзит ҳаракати тўхтатиб қолинса айбдор томон маҳсулотнинг қийматини жаҳон бозори нархларида эркин алмаштириладиган валюта билан тўлайди. Бунда келиб чиқадиган баҳсли масалалар давлатлараро ҳакамлик идораси томонидан кўриб чиқилади.

8. Суверен республикалар (давлатлар) деҳқончилик-саноат мажмуининг корхоналари учун республикаларо (давлатлараро) моддий-техникавий ресурсларни келишиб олинган турлар ва ҳажмлар бўйича ўзаро етказиб беришни таъминлаш мажбуриятини оладилар.

Республикаларо (давлатлараро) битимларда белгиланган миқдорлар доирасида моддий-техникавий ресурсларни етказиб бериш ва транзит усулида ўтказиб юбориш божсиз асосда амалга оширилади.

9. Бошқа минтақалардан, шунингдек чет эллардан ушбу битим қатнашчиларига юбориладиган юклар суверен республикалар (давлатлар) ҳудудида жойлашган ҳамма турдаги транспорт кучлари ва воситалари ёрдамида бемалол қабул қилиб олинади, жамланади ва истеъмолчиларга юборилади.

10. Иқтисодий ҳамжамиятга аъзо бўлмаган давлатлар билан озиқ-овқат таъминоти масалаларига доир ўзаро муносабатлар халқаро иқтисодий муносабатларнинг умумий қоидалари асосида тузиладиган алоҳида битимлар билан тартибга солинади.

11. Ушбу битим суверен республикалар, давлатлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради.

Битимни РСФСР, Украина, Беларусь Республикаси, Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон ССР, Грузия Республикаси, Озарбайжон Республикаси, Молдова Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Арманистон Республикаси, Туркманистон Республикаси имзоладилар.

ОДАМЛАРГА ҲАМИША ҒАМХЎР БЎЛАЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида 1990 йил 7 майдаги «Улуғ Ватан уруши ногиронларига, қатнашчиларига, байналмилалчи-жангчиларга ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабасининг 45 йиллиги байрам қилиниши муносабати билан қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги Президент Фармони қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони мудофаа сиёсати бўлимининг масъул ходимлари, вазирликлар ва идоралар, вилоятлар ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раҳбарлари қатнашдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Т. А. Алимов олиб борди.

Мазкур масала бўйича Ўзбекистон Президенти девони мудофаа сиёсати бўлимининг мудири Б. Э. Қосимов маъруза қилди. Республика алоқа, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, савдо вазирликлари, халқ контроли комитети, Қорақалпоғистон вазирлар кенгаши, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети раҳбарларининг шу ҳақдаги ахборотлари ҳам тингланди.

Йиғилишда ана шу муҳим фармонни бажариш юзасидан вазирликлар ва идоралар, халқ депутатлари кенгашлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ногиронлар, Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари, байналмилалчи-жангчилар, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари учун имтиёзлар бўйича аниқ дастурлар ишлаб чиққанлиги таъкидланди.

Ўтган вақт мобайнида шу тоифадаги фуқаролар учун ногиронлик гуруҳи қайта кўриб чиқилди, нафақаларнинг миқдори оширилди. Уй-жой шароитлари, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш яхшиланди, уларга зарур тиббий ёрдам кўрсатиш тубдан ўзгартирилди, санаторий-курортларда даволаниш учун барча имкониятлар яратиб берилди, бошқа афзалликлар ҳам муҳайё қилинди.

Жумҳуриятда ана шундай имтиёзлардан ҳаммаси бўлиб 234 мингдан ортиқ киши, шу жумладан 142 минг 733 нафар Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, 62 минг 738 байналмилалчи-жангчи, 28 минг 600 ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари фойдаланмоқда. 20 мингдан ортиқ Улуғ Ватан уруши қатнашчисига квартиралар берилди. Шу йилнинг 1 июлидан ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари учун нафақалар миқдори 608 минг сўм кўпайтирилди. Шахсий қурилиш учун кўплаб ер участкалари ажратилди. 7 мингдан зиёд уруш қатнашчисининг хонадонига телефон ўрнатилди. Нафақалар бериш 1 миллион сўм оширилди.

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, байналмилалчи-жангчилар, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари квартира учун ҳақ тўлашдан озод қилинганлиги ва уларга кўрсатиладиган коммунал хизмат ҳақи 50 фоиз камайтирилганлиги таъкидлаб ўтилди. Ўтган давр мобайнида уруш қатнашчилари ва байналмилалчи-жангчиларга сотиш учун кўплаб енгил автомобиллар ажратилди.

Шу билан бирга бу ишда йўл қўйилаётган камчиликларга алоҳида эътибор қаратилди. Ногиронларга, уруш фахрийларига, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига, айниқса қишлоқ жойларида савдо, маиший ва тиббий хизмат кўрсатишда эътиборсизлик фактлари ҳалигача учраётганлиги, санаторийларга йўл қўйиш ҳоллари мавжудлиги, ногиронлар квартирасига телефон ўрнатиш ишлари пайсалга солинаётганлиги қайд этиб ўтилди. Натижада фахрийлар ва ногиронлар юқори ташкилотларга ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилишга мажбур бўлмоқдалар.

Вилоятларда Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига уй-жой бериш бўйича муайян қонда ишлаб чиқиш лозимлиги йиғилишда таъкидлаб ўтилди.

Бир қатор вазирликлар ва идоралар, вилоятлар ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети раҳбарларига Президент Фармонини ўз вақтида бажаришлари учун масъулларни чуқур ҳис этган ҳолда биргалашиб иш олиб боришлари зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ҳар бир Фармони одамлар учун, аввало, уларнинг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилгандир. Бинобарин, жойлардаги мутасадди ўртоқлар уларнинг сўзсиз бажарилишига эришишлари лозим.

Т. БОТИРБЕКОВ, ЎзТАГ мухбири.

«Мулоқот» давом этади

Муштарийлар 1992 йилги обуна нашрлари орасида «Мулоқот»ни излаб овора бўлишмасин. Чунки келгуси йилда чоп этиладиган матбуот нашрлари рўйхатида баъзи сабабларга кўра «Мулоқот» ўрнига «Эътиқод» ойномаси кўрсатилган. Шуни мамнуният билан маълум қиламизки, 1992 йил учун сиз «Мулоқот»га ёзилишингиз мумкин. Журнал ўз фаолиятини яна давом эттиради ва келгуси йилда ҳам обуначилар қўлига тегади.

Ўз мустақиллигига эришган ижтимоий-сиёсий ва бадиий-публицистик ойнома — «Мулоқот» саҳифаси кенг меҳнаткашлар оммасининг ошкора фикр юритадиган минбари бўлади. Бу — ойноманинг номидан ҳам аён. Долзарб мавзуларни дадил кўтариб чиқадиган қалами ўткир, фикри теран, мушоҳадаси кенг олимлар, шоир ва ёзувчилар, санъат арбоблари, ишчи ва деҳқонлар, ўқитувчи ва талабалар, айниқса, навқирон истеъдод соҳибларини биз билан ҳамкорлик қилишга чақирамиз. Ҳар бир муаллифнинг шахсий фикри ва эркин овози сақлаб қолинади. «Мулоқот» ягона фикрга бўйсинадиган бир томонлама эмас, балки турли хил қарашлар, баҳслар ва баҳоларни чоп этиш эвазига ўз муштарийларини кўпайтириб боришни мўлжалламоқда.

«Мулоқот» билан ҳамоҳанг бўлишни истасангиз, унга ўз вақтида ёзилинг. Жумҳуриятимиздаги барча алоқа бўлимларида ойнома учун обуна қабул қилинмоқда. Индекси — 75401. Ойноманинг бир йиллик обуна баҳоси 7 сўм 20 тийин, 6 ойлиги 3 сўм 60 тийин. Ойнома обунаси чекланган, сотувга ҳам чекланган миқдорда чақирилади. Унинг нархи обуначи учун 60 тийин, сотувда 1 сўм.

• Беруний мукофотига номзодлар

ВАБОНИНГ ЧЕКИНИШИ

1965 йил саратонининг иссиқ кунлари Қорақалпоғистонда қандайдир касаллик бошланди; беморлар иситмалаб, ҳолдан кетиб, кўнгил айнаб, қусиб, ич кетиш ва сувсизланиш аломатлари пайдо бўлди. Маҳаллий шифокорларнинг касалликни аниқлашдаги ва даволашдаги кўрган чоралари ёрдам бермади. Оғирлашган беморлар ўлимга маҳкум бўлдилар ва касаллик тез тарқала бошлади.

Бу қўрқинчли касалликни аниқлаш, олдини олиш ва жумҳуриятнинг бошқа вилоятларига тарқалишига йўл қўймаслик учун зудлик билан ҳукумат комиссияси тузилди. 7 август куни юқумли касалликлар соҳасида атоқли олим ССЖИ Тиббиёт фанлари академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Исоқ Қурбонович Мусабоев Нукус тайёрагоҳидан тўғри касалхонага беморларни кўришга борди ва уларни синчиклаб текширди.

Ярим асрлик клиник тажрибага эга бўлган олим бактериологик текширишларнинг салбий жавобига қарамасдан касалликнинг вабо эканлигини биринчи бўлиб аниқлади. Ҳукумат комиссиясига бу касаллик жумҳуриятнинг ҳалқлари учун нақадар хавфли эканини айтиб бунга қарши зудлик билан тегишли чора кўриш режаларини тузиб берди. Москвадан келган академиклар Н. Н. Жуков-Вережников, В. В. Тимаков, лейтенант А. Н. Бурназян касалликнинг тўғри аниқланганини тасдиқладилар. Шифокорлар томонидан кўрилган тадбирлар натижасида 21 кун ичида вабонинг тарқалиш хавфи тугатилди ва беморларга тегишли дори-дармон қилина бошланди. И. Қ. Мусабоевнинг мукофотга тақдим қилинган биринчи китоби Қорақалпоғистон, бошқа шаҳар ва вилоятлардаги вабо касаллигининг олдини олиш ва даволаш масалаларига бағишланади. У дунё тиббиёт фанининг тарихида биринчи маротаба вабонинг ошқозончак касаллиги шаклида ҳам ўтишини аниқлади ва унинг тарқалиш йўлларини белгилаб берди. Янгидан бу касалликнинг классификациясини тузиб чиқди.

Иккинчи китоб ичак юқумли касалликларининг муҳим масалаларига оид бўлиб ҳозирги вақтда учрайдиган Эл-Тор вабо касаллигининг аломатлари ва уни даволаш усулларини ўз ичига олади. Бу соҳада олим томонидан қилинган самарали ишлар шунга олиб келдики ҳатто Тошкент (1966), Чиноз (1967), Бухоро (1966) Ховос (1968), Жетисой (1968) да айрим вабо касаллигининг учраши тугатилди.

И. Қ. Мусабоев ичакнинг юқумли касалликларида витаминлар, микроэлементлар ва иммунологик ўзгаришларни кузатиб беморларга янги бирикмалик даволаш усулларини белгилаб берди. Бу касалликка дучор бўлганларга махсус парҳезли таомлар уюштириш кераклигини аниқлади.

Мукофотга тақдим қилинган учинчи китоб терламага йўлиққан беморларда жигардаги касаллик ўзгаришларини аниқлашга ва даволашга бағишланган.

И. Қ. Мусабоев томонидан кейинги йилларда (1990) олиб борилган илмий ишлардан яна бири жумҳуриятимизда кўп учрайдиган дизентерия касаллигининг шароитимизда қандай ўтишини, унинг клиникаси, тарқалиш сабабларини аниқлаш ва даволашга бағишланади.

Сурункали дизентериянинг билинмас шакллари шифокорларга касалликни аниқлашда кўпинча қийинчилик туғдиради. Олим бундай ҳолларда касалликни аниқлашда қандай клиник омилларга асосланиш кераклигини ва даволаниш усулларини аниқлаб беради. Олим томонидан ярим асрдан ортиқ олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижасида жумҳуриятимизда учраб турадиган юқумли касалликларни даволашда, аниқлашда ва уларнинг олдини олишда шифокорлар учун ҳозирги замон талабига лойиқ режалар тузиб берилди. Олинган илмий натижалар Москва, Токио, Варна, Варшава ва дунёнинг турли шаҳаларидаги илмий конгресс, конференция, симпозиумларда маъруза қилинди ва шу соҳанинг йирик олимлари томонидан маъқулланди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги жумҳуриятнинг юқумлик ва паразитлар касалликларига қарши кураш илмий маркази жамоаси академик И. Қ. Мусабоевни бу самарали илмий асарларини Беруний номидаги мукофотга тақдим қилди. Унинг асарлари шубҳасиз мукофотга сазовордир.

Ж. МАҚСУМОВ, СССР Тиббиёт фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.

ИСРОИЛЛИКЛАР ЯРАТГАН ХИРМОН

Ўтган йилнинг кеч кузи эди. Пахтадан юқори ҳосил олишда оламга танилган исроилликлар Ўзбекистонга ташриф буюрдилар. Урта Осиё ирригация илмий текшириш институтининг таклифига мувофиқ келган пахтачилик мутахассислари Қашқадарё, Тошкент ва Андижон вилоятларида тажриба ўтказдилар. Ҳикоямиз шу хусусда.

Андижонга келган исроилликлар Кўрғонтепа районидаги «Савай» давлат хўжалигидан 506 гектар ер олиб, кузда ҳар сотих ерга 40 килограммдан фосфор солиб, бир метр чуқурликда юмшатдилар. Ҳар бир пайкалга бир метр чуқурликда уч қатор 75 миллиметрли қувурлар кўмилди. Ҳар 36 метрда шланг уланадиган жўмраклар кўриниб туради. Ғўза ва бошқа экинлар ҳар бир метрда тешиги бор шланглар билан суғорилди. Ер остига кўмилган қувурларга битта насос-мотор ўрнатилди.

Чуқур юмшатилган ер баҳорда ағдариб ҳайдалди, текислаб мола босилди. Сифатли тайёрланган 425 гектар майдонга чигит, қолган майдонларга эса беда, пиёз, маккажўхори экилди. Румин сеялкасида ҳар бир уяга биттадан чигит ташланди. Ғўза ягана қилинмади. Фақат бир марта кетмон чопиғи ўтказилди. Қатор ораларига бошқа ишлов берилмади. Ғўзани ўстирадиган, ҳосил тугунчаларини тўкилишдан сақлайдиган, ҳашоратга қирон келтирадиган дори солинди. Ғўза шоналаганда бир марта жилдиратиб сув оқизилди. Чеканка қилинмади. Ғўзанинг бўйи бир метрга етганда уни ўсишдан тўхтатадиган дори сепилди. Кўсаклар етилгач, дефолиация ўтказилди.

Ҳосил мўл бўлди. Исроилдан 8 та икки қаторли терим машинаси келтирилди. Уларни бошқариш савайлик механизаторларга топширилди.

— Мен етти йилдан бери машинада пахта тераман, — дейди механизатор Аҳмаджон Режапов. — Меҳмонлар келтирган терим агрегатининг афзал томонлари кўп. Аввало уни бошқариш жуда осон, енгил. Механизатор сира чарчамайди. У ўтирган хонага чанг кирмайди. Терим жараёнида шпинделлар автоматик усулда тозалаб, намлаб турилади, уларни ювиш шарт эмас. Бункер тўлганда автомат пахтани босиб қотириб қўяди. Ҳар куни 16 бункердан пахта тердим. Бу — ўртача 8 тонна дегани.

Суҳбатга хўжалик директори Алижон Аҳмедов қўшилди:

— Исроилликлар тажрибаси бизга маъқул. Сув сарфи 2,5 баравар камайди. Меҳнат унумдорлиги, ҳосилдорлик ортди. 425 гектар майдонда исроиллик тўрт мутахассис (бошлиғи Мирос Одет, агрономи Исроэль Коэн) ва бизнинг хўжалигимиздан 16 ижарачи ишлади. Гектаридан ўртача 28 центнердан ҳосил олинаётган хўжалигимизда ҳосилдорликни бемалол 50 центнерга кўтариш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдим.

А. ҚУРОНБОЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир ҲОШИМОВ—50 ёшда

ЭЪТИҚОД

Ўткир Ҳошимов ҳам эътиқодли ёзувчи, ҳам шу бугунга келиб халқ эътиқод қўйган адиб даражасига кўтарилаётган ижодкордир. У улуғ Навоийни ва Толстойни «ҳеч қачон ўз эътиқодидан қайтмагани учун, инсон боласини пок ва бахтиёр қиёфада кўришни истагани учун» севишини уқтирди. Унингча, «катта истеъдод аввал халқ эътиборини, кейин меҳр-муҳаббатини ва ниҳоят халқ эътиқодини қозонади. Аслида шу уч босқичнинг ҳар биттаси бир умрга тенгдир».

Ўткир Ҳошимов китобхонлар эътиборини жуда эрта ўзига жалб қилди: ҳали университетнинг учинчи курсида ўқиётган пайтидаёқ «Пўлат чавандоз» очерклар китоби, бир йилдан сўнг «Чўл ҳавоси» қиссаси босилди. «Баҳор қайтмайди» ва «Қалбингга қулоқ сол» қиссалари билан у ўзини умидли ёзувчи сифатида тан олдирди ва биринчи бор совринни шу қиссалари учун олди. Она ҳақида ўзига хос қўшиқ бўлмиш «Дунёнинг ишлари» қиссаси учун унга Ойбек мукофоти берилди. «Икки эшик ораси» романи учун ёзувчи Ўзбекистон Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Китобхон меҳрини зўрлик билан, тилаб ёки сотиб олиб бўлмайди. Бунинг учун ёзувчи ўз халқининг фидойи фарзандига айланиши керак, унинг тақдири тўғрисида куюниб, ўртаниб ёзиши, ёзганда ҳам фақат ҳақиқатни ёзиши ва ҳимоя қилиши керак. Инсоннинг ақл ва қалбини теран таҳлил эта билиши, инсон қисматида давр руҳини кўрсата билиши керак. Дарвоқе Ўткир Ҳошимов насрига хос мафтункор бир жозиба бор. Бу — қудратли ҳиссий тўлқин. Очиқ диллик, самимийлик меваси у. Инсон кечинмасини, туйғуларини, тасаввур ва таассуротларини бевосита изҳор этиш кучли унда...

Ҳозирги қайта қуриш даврида бизда публицистика олдинги ўринга чиқди, шоир ҳам, драматург ҳам, прозаик ҳам публицистикага биринчи даражада аҳамият бериб ва халқимизнинг ҳақ-ҳуқуқини, ғурури ва сурурини фаол ҳимоя қила бошлади. Ўткир Ҳошимов бундан ўн-ўн беш йил аввалларида вақтли матбуотда, радио ва, айниқса теблевидениеда мунтазам равишда ижтимоий-ахлоқий мавзуларда баҳс, мунозара олиб борди. «Оқ камалак» китобининг бир қисми (1984), «Нотаниш орол» китобининг ҳаммаси (1990) бадиий публицистикадан иборат. Унинг публицистикаси китобхон билан юзма-юз туриб самимий оҳангда суҳбатлашиши, баҳс этиши билан, ҳақиқатни эҳтирос ва ёниб ҳимоя қилиши, мушоҳадаларнинг илмий асосга қурилиши, ҳужжат-далилларнинг ишончлилиги билан, ҳаётий воқеа, ҳикоя, афсоналари иштирокидаги билан кишини ром қилади.

Ёзувчи тузумимизнинг, жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий инқирозга олиб келган иллатлар хусусида ўйлар экан, ҳамма айбни Сталинга тўнкаб қутилиб кетувчилар тоифасидан ўзгача фикрлайди — «балки сталинизмни замоннинг ўзи яратгандир», дейди. Ҳаёт буни тасдиқлаб турибди бугун. Ўткир Ҳошимов публицистикасининг таъсирли чиқишининг бош сабаби шундаки, у бирор муаммо тўғрисида ёзмаслик ёки гапирмаслиги мумкин бўлмаган ҳолатга келган пайтдагина—«қалб зарурати даражасига айланганда, дарди ёнишиб етган» пайтдагина қўлига қалам олади.

Адиб ўзининг «Баҳор қайтмайди» қиссасида инсон маънавиятини таҳлил этди, «Нур борки, соя бор» романида бу масалани янада чуқурроқ ўрганишга, инсондаги эътиқодлилик ва эътиқодсизлик илдизларини очишга жазм қилди. Роман сарлавҳасида акс этган фалсафий идрок конкрет одамлар тақдирига сингдирилади. Нур — яхшилик, соя — ёмонлик рамзи экан, шу икки минтақада турган одамларнинг курашини, ёзувчининг ўз сўзлари билан айтганда, «бутун тафсилоти билан, бутун ҳаётини-ю фалсафаси билан» гавдалантиришга интилади. Журналист Шерзоднинг саргузашти — фаолияти «Дунёда ё заринг бўлсин, ё зўринг бўлсин», «худоси ҳам, имони ҳам пул» бўлган Сайфи Соқиевич каби ҳаромхўрлар фалсафасини фош этади. Шерзод мустаҳкам эътиқоди ва иродаси билан китобхонни ром қилади. У пулдор, ифлос одамлар билангина эмас, балки, айни чоқда тўртинчи синф ўқувларини ҳам пахтага ҳайдаб, «термасинчи, ичагини суғириб оламан!» дейдиган ва унинг қилмишқидирмишларини фош этмоқчи бўлган журналистнинг мақоласини эшитгач, «агар шу нарса газетангда чиқса отимни бошқа қўяман», деган зўравон раислар билан ҳам курашади. Бу роман чиққан пайтда (1977) ўзбек адабиётидагина эмас, ҳатто бошқа қардош жумҳуриятлар адабиётида ҳам бундай фош қилувчи романлар кам эди. Шу туфайли «Литературная газета» уни ўткир ҳажвий роман сифатида таърифлаган эди.

Эл севган адиб — Ўткир Ҳошимов.

Роман таъсир кучининг сабаби шундаки, унинг ҳаётий замини мустаҳкам эди, ёзувчи шахсан ўзи кўрган, билган, бошидан кечирган воқеалар ҳақида ёзган. Ўткир Ҳошимов матбуот қозонида қайнаб пишган ёзувчилардан: оддий корректорликдан бўлим мудири, ҳозир «Шарқ юлдузи» журналининг бош муҳаррирлиги даражасигача бўлган узоқ, қийин, аммо мароқли йўлни босиб ўтди. Битта «Тошкент оқшоми»да ўн олти йил ишлади. «Озми-кўпми ҳаётни ўргандим, «Нур борки, соя бор» романимнинг бош қаҳрамони Шерзод Самандаров газета ходими эканлиги бежиз эмас», дейди муаллиф.

Адиб асарлари қон томиридан миллий руҳ оқиб туради. Бу миллий руҳ асар мазмунидан тортиб, қаҳрамонлар характеригача, уларнинг ўзаро муносабатлари, хатти-ҳаракатлари, фикрлашларигача ётади. Ёзувчининг ўзи миллий руҳ «бадиий асарнинг жонидир», «конкрет персонажнинг оёғи эса миллий заминда туради», деб бежиз айтмайди. Шу туфайли «Дунёнинг ишлари» қиссасида бу ниятини рўёбга чиқаради. Асар марказида оддий аёл туради, ҳатто унинг касби фаррошлик, холос. Ёзувчи «Ким ер юзини тозаласа, ўша энг яхши одам», дейди ва асардаги кичик-кичик ҳикоячаларда шу оддий онанинг яхшилигига, буюклигига китобхонни ишонтиради. Чиндан ҳам онанинг меҳр-оқибати, шафқати ва муҳаббати, олижаноблиги ва сабр-тоқати чексизлигига, Она — Қуёш деган муқоясига амин бўласиз.

«Қаноат» ҳикоясида уйнинг сирини яширган она билан (фарзандлари шўхлиги туфайли эридан даккі еган) эрини ёмонлаб элга достон қилган шаллақи аёлни муқояса қилади. Ёзувчи одамларнинг нутқи, гапириш йўсинини шундай бетакрор қилиб берадики, нутқидан ҳам кимлиги шундай мана-ман деб билиниб туради: «Кечқурун ўсма эзиб қўювдим. Шу савил қуриб қолмасин, деб қошимга қўя қолувдим. Ҳа, мошкичири жиндак тагига олиб қотиб кетибди. Шунга ҳам ота ғўри қозихонами? «Пардоз-андоз қилгандан кўра овқатингга қарасанг ўласанми»! — дейди-я, ғўрсўхта! Ҳа, пардоз қилсам, ўйнашимга қилиқманми, қирчинингдан қийналгур. Қирмочми, баломи, заҳрингга еявермайсанми, ергина юткур! Ҳаҳ, онамни сўккан тилларинг танглайингга ёпишгур! Тағин нима дейди денг? Айбни манга тўнкайди: тилинг бир қарич, дейди. Вой, тилимни гапирган тилларинг жодида қийма-қийма бўлсин-а! Елдек келиб, селдек олмаса асло розимасман!».

Дарвоқе, қиссада бемаъни, юзсиз, нопок, бемеҳр ва беибо аёлларни ҳам жуда маромига етказиб тасвирлайди. Бундай ҳикоялари билан ёзувчи оналарнинг ҳаммасини мукаммал кўришнигина орзу қилмайди, айни чоғда жамиятнинг, инсониятнинг мукаммал бўлишини ўйлайди.

Ўткир Ҳошимов асарларининг жозибасини таъминловчи яна бир нуқта бор. Муаллиф ҳар бир асарининг шакл-шамойили тўғрисида ҳам жиддий ўйлайди, бир хил шаклни, баён усули ва тасвир йўлини қўллайвермайди. У «ҳар қандай шакл мазмунини чуқурроқ очишга хизмат қилмоғи керак, деган қоидага амал қилиб, шакл танлайди. «Дунёнинг ишлари»да яхлит воқеа ва сюжет танлаганда, асарнинг бошидан охиригача иштирок этувчи ва ўзаро курашувчи қаҳрамонлар бўлганда, бутунлай бошқа асар бўлар эди. У мустақил, тугал ҳикоялардан тузилган, ҳаммасини она образи жипс бирлаштириб туради. «Икки эшик ораси»да бутунлай янгича ифода усуллари қўлланилган. Ўзбек халқининг катта тарихини — урушдан аввалги, уруш ва ундан кейинги ҳаётини бирваракайига идрок этади ва тасвирлайди.

Ёзувчи «Ҳар қандай муҳим ғоя ҳам асар қаҳрамонларининг қисматига айланмаса, қуруқ гап бўлиб қолади», дейди. Ориф оқсоқол, Ҳусан дума «Қора амма»да 30-йиллар ва уруш даври руҳи акс этади, Кимсан, Робия, Раъно, Умар закунчи тақдирида шиддатли уруш даври ва Музаффар, Мунавварларда уруш ва ундан кейинги давр руҳи ётади. Кекса авлод мустаҳкам эътиқоди билан лол этади, Робия тақдири юрагингизни эзади. Раъногa ҳам қаҳрингиз, ҳам раҳмингиз келади, Умар закунчи сталинизм тимсоли, Музаффар — Мунаввар қисмати ҳам урушни лаънатлайди. Роман урушни қоралайди, ёмонликни фош этади, эътиқодни, покликни, садоқатни, инсонийликни, яхшиликни улуғлайди. Инсон умри — иккі эшик ораси ғоят қисқа, яхши одамлар «у эшикдан кириб, бу эшикдан чиқиб кетаётганида қўлидан келганича савобли иш қилади. Ҳаёт деган иморатга ақалли бир ғишт қўйиб кетади. Яна бир хиллар бор: ўша иморатдан ақалли битта ғиштни ўғирлаб кетгиси келади. Ўғирлаб-ку, ҳеч қаёққа боролмайди, нариги эшик олдига борганда барибир ташлаб кетади. Икки орада иморатни бузгани қолади!». Мана, роман мағзидаги фалсафа! Адибнинг ҳамма асарлари каби бу роман ҳам кишини ўйлатади, ўзига, босиб ўтган йўлига, бугуни ва эртасига ҳам разм солишга, ҳушини жойига қўйишга ишора қилади. Ёзувчи халқимиз маънавиятидаги боқий қадриятларни, инсондаги улуғ ниятлар, орзу-армонларга, эзгулик ва яхшиликка бўлган буюк эътиқодни меҳр-муҳаббат билан, эҳтирос билан ҳимоя қилади, кўз-кўзлайди, ташвиқ этади.

Менга Ўткир Ҳошимов доим мийиғида кулиб тургандек, аммо кўзларида ғамташвиш ин қургандай, доим ўй суриб юргандай туюлади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Дунёнинг ақлга сиғмайдиган ишларига ҳайрон боқади, киноя-ли кулиб қарайди, тоғдек-тоғдек ташвишлари ва муаммоларининг ечилишини ўйлайди, халқ бахтиёр бўлармикан, деб армон қилади Ҳаётни, инсонни севган одам ғамгин бўлади, жиндак йилтираб кўринган яхшиликдан танасига сиғмай қувонади. Унинг «Хангомалар» рукунида эълон қилинаётган ширин, ёқимли ҳазил ҳикоялари бунга мисол.

Ўткир Ҳошимов ҳозир ижоднинг энг оғир палласига — «халқ эътиқодини қозонаётган» даврига кирди. Бунда биз севимли ёзувчимизга сабр-матонат ва юксак ижодий парвоз тилаймиз.

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

Дўст ҳақида сўз

ЮРАК АДИБИ

Ўткиржон ҳаётида ўзини Шум болага ўхшатишни яхши кўради. Шум бола каби айтса айтгудай шўхликлари бор. Шум боладай беғубор, содда, ўзбек. Лекин аслида у бениҳоя тўғри одам. Ҳалол, виждонли. Унинг тўғрилиги барча асарларига қават-қават сингиб ётади.

Ақлнинг белгиси пешана. Халқ ақлининг белгиси — унинг истеъдодли адиблари, мутафаккирлари. Яхши асар яратган ёзувчи борки, у қандайдир бир тарзда халқнинг пешанасини ёритган, манглайига манглай битган.

Ўткир Ҳошимовнинг «Нур борки, соя бор», «Дунёнинг ишлари», «Икки эшик ораси» асарлари халқимизнинг пешонасидаги ёруғлик нуқталардан деб ҳисобланса арзийди. Бу асарларда ўзбекнинг юраги яшайди. Миллий идрокимизнинг демасам-да миллий ҳис қилишимиз, миллий туйғуларимизнинг бирмунча гўзал булоқлари қайнаб туради уларда.

Ўткиржонни шунга кўра юрак ёзувчиси дегим келади. Унинг қаҳрамонлари эса юрак қаҳрамонларидир. Улар ақллари эмас, кўпроқ юраклари буюрганини қиладилар.

Унинг барча асарлари севги ва ёшлик ҳақида. Адиб ёш қаҳрамонларини ўртаган, уларни мубтало қилган севги воситасида ҳаётни ва мавжуд ҳаёт воситасида севги англайишларини таҳлил этади. Ёзувчининг қаҳрамонлари ўз олдиларига севги қандай бўлиши керак деган саволни қўядилар. Ҳаёт ва одам учун қайси бири қимматлироқ: ақлли севгими, ҳисобли севгими, юрак севгисими, телба севгими? Шулар билан чамбарчас боғланган ҳолда бошқа бир саволлар қатори ҳам уларни безовта қилади: ҳаёт ақлли бўлиши керакми, ҳисобли бўлиши керакми, бевош бўлиши керакми? Ўткирнинг жуда навқирон қаҳрамонлари бу ғалати саволларни ечолмай қийналадилар. Ташқи носоғлом муҳит таъсирида турли фожиаларга йўликадилар. Ўз тизгинисиз ҳиссиётларининг қурбони бўладилар.

Халқнинг эътирофини қозониш осон эмас. Эътироф топгач, халқ эътиборида туриш ҳам тинимсиз меҳнатни талаб қилади. Ўткир Ҳошимов тез эътироф этилди ва тез эътиборга тушди. У ёзувчилик дунёсига кириб келганда, ёзувчи бўлиш бир томондан осон, иккинчи томондан беҳад оғир ва машаққатли ҳунарга айланган эди. Осонлиги шундаки, истаган ҳар ким ёзувчилик қилаверса бўлади, деган тушунча пайдо бўлди. Туссиз асарларга кенг йўл очилди. Асарни муҳокама қилиш деган бениҳоя ғалати, ижодкорликнинг асил табиатига зид бўлган ҳодиса урчиб кетди. Муҳокамадан ўтмаган асар чиқарилмас эди. Ҳолбуки, шеър ёзиш ҳам, роман ёзиш ҳам, ва умуман ижоднинг ҳар қандай кўриниши ўта шахсий воқеадир. Ўта шахсий ишдир. Ҳар қандай муҳокама ана шу ихтиёрий шахсий ишга тажовуздир. Ижтимоий томондан олиб қараганда эса «муҳокама» ниқобланган назоратнинг ўзи эди. Ижодий ишни коллективлаштиришга ғоят қўпол, даҳшатли уриниш эди. Қанчадан қанча халтура «асарлар» ана шундай «муҳокама»лардан чиқиб ҳаётга йўлланма олганлигини эслашнинг ўзи кифоя. Ёзувчи назорат остида эркин бўлолмайди, эркин ёзолмайди. Қалби буюрганини ёзса, чиқмаса, қалби буюрмаганини ёзиб, халқни алдаш азоби азим эди. Мевали дарахтни қийнаб қўйсангиз, қаровсиз қолдирсангиз, дарахтнинг ўзи ҳам, меваси ҳам елимлаб кетади. Исканжага солинган адабиёт ана шундай барвақт елимланган дарахтга ўхшаб қолган эди. Мевасини ҳам ғарб ва елим босганди. Мана шундай шароитда «Нур борки, соя бор», «Дунёнинг ишлари» сингари асарларнинг пайдо бўлиши адабиётнинг бахти эди.

Ҳар бир одамнинг ўзи сиғинадиган нарсалар бўлади. Шулардан куч-қувват, илҳом олади. Ўткирнинг сиғинганини нима экан деб ўйладим. Унинг асарларини бугун яна бир кўздан кечириб, адиб ўз беғубор болалигига, ўт-олов ўсмирлигига, севгидан масталаст ёшлигига сиғинар экан, деган ишонч ҳосил қилдим.

У ёшлик, болалик ва севги ҳақида ёзади ва доим шоир бўлиб ёзади.

У ўзбекнинг ойдай юрагига қарайди ва унда ўз аксини кўради.

«Ойим доим яхшиликни каромат қилади», дейди бир ўринда «Дунёнинг ишлари» қаҳрамони. Бу ғоятда ноёб фазилат. У халқимизнинг миллий қалбий хусусиятларидан бири.

Яхшиликни каромат қилиш Ўткирга ҳам тўла ўтган ва бу унинг ижодининг инсоний йўналишини белгилайди. Юрак адиби... Яхшиликни каромат қилувчи адиб...

Бу Ўткирнинг энг сара унвонидир.

Иброҳим ҒАФУРОВ.

Ўткир ҲОШИМОВ.

ДАФТАР ҲОШИЯСИДАГИ ҚАЙДЛАР

Қўқондан келган Абдураҳмон офтобачи бошчилигидаги сарбозлар Тошкентни Урусия босқинчиларидан ҳимоя қилиб, жон олиб жон бераётганида Бухоро амири Насруллохон Кўқон хонлиги устига лашкар тортиб борди... Қанақа халқмиз ўзи?

* * *

Агар «озчилик кўпчиликка бўйсунади», деган социализм шиорига ишонадиган бўлсак, энг мукаммал жонивор мингоёқ бўлиб чиқади.

* * *

Аввал ўрмонга ўт қўямиз, кейин ниҳол ўтказамиз. Яшасин бўлган, бўлаётган ва бўлажак «қайта қуришлар!»

* * *

Бир дўстим ғалати ҳангомани кўп такрорлар эди. «Алвасти кўприк» деган жойда, темир йўл ёқасида аммамнинг чорбоғи бўларди. Болалигимда аммамникига кўп борардим. Ёз кечалари ҳовлидаги супада ётишни яхши кўрардим. Қайси поезд «у ёққа» кетаётганини, қайсиниси «бу ёққа» келаётганини аниқ билиб ётардим. «У ёққа» кетаётгани эрта-индин туғадиган сигирга ўхшаб, «ух-пиш, ух-пиш» қилиб ўрмаларди. «Бу ёққа» келаётгани тараҚа-туруқ, шараҚа-шуруқ қилиб чопқилларди. Ора-чора гармон товуши ҳам эшитилиб қоларди.

...Ўзбекистон Мустақиллик эълон қилди. «У ёққа» кетаётган поезд ҳам, «бу ёққа» келаётгани ҳам сигирдек пишилласин десак, баъзилар чийиллаяпти... Чийиллама, биродар, чийиллама! Олмоқнинг бермоғи ҳам бўладида!

* * *

— Жаннат билан коммунизм ўртасида фарқ борми?

— Бор! Жаннатдан ҳеч ким қайтиб келмади. Коммунизмга ҳеч ким етиб бормайди.

* * *

Чин дўст бошингга кулфат тушганда билинади, дейдилар. Чин дўст қувончли кунда ҳам билинаркан. Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги ҳақиқий халқ байрамига айланди. Чет эллардан кўп меҳмонлар келди. Марказий матбуот, Москва телевиденеси бу ҳақда бир оғиз миқ этмади. Гўё Алишер Навоий деган буюк сиймо ҳеч қачон бўлмагандек. Албатта-да, бу байрам Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилган кунларга тўғри келди! Ҳазратнинг руҳи поки олдида яна такрор таъзим қилгим келади. Минг бор қуллуқ Сизга! 550 йилдан кейин ҳам ким кимлигини кўрсатдингиз!

Ёзувчи Ўткир Ҳошимов устози — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад билан.

Ёзувчининг чоп этилган асарларидан намуналар.
Ш. ИБРОҲИМОВ олган суратлар.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг 50 йиллик юбилейига бағишлан ган тантанали кеча 11 ноябрь куни соат 18.00 да Алишер Навоий номли Ўзбек давлат академик театрида бўлади.

ЁЗУВЧИ ПОЧТАСИДАН

ЯНГИ АСАРЛАРИНГИЗНИ КУТЯПМИЗ

Муҳтарам адибимиз Ўткиржон! «Ўзбекистон овози» рўзномасида босилган «Давлат сири» сарлавҳали мақолангиз бутун жумҳуриятимиз зиёлилари ва меҳнат аҳли қаторида бизнинг маҳалла кишилари кўнглида ҳам ўзлигимизни танишга ишонч туйғулари уйғотди!

Сиз заҳматкаш халқимизнинг дилидан тилига чиқолмай турган ўкинч-армонларини қайта қуриш, ошкоралик шиори, даъватлари асосида рўй-рост ишончли далилларга таяниб ифодалаб бергансиз. Кўп қиррали сермазмун тарихимизнинг, шунингдек, ҳақ-ҳуқуқларимизнинг юзига тортилиб келган қора пардани йиртиб, кўнгилдагидек яшашга, ҳаёт кечиришга, ҳақиқатнинг борлигига, унга албатта ғалаба ёр бўлишига ишонч ва ҳаваслар уйғотганингиз учун чин қалбимиздан миннатдорчилик билдирамиз.

И. ХОЛИҚОВ, Ф. ИМИНОВ, В. ҲОШИМОВ, П. МУСАБЕКОВ ва бошқалар.

Андижон шаҳри, Янги турмуш маҳалласи.

* * *

Ҳурматли Ўткир ака! Сизга бу хатни қадимий Хоразм пойтахти, тарихий ёдгорликлар, воқеаларга бой кўҳна Урганч шаҳридан йўллаяпмиз.

Биз сизнинг қисса ва романларингизни мунтазам ўқиб борамиз. Айниқса, «Нур борки, соя бор», «Баҳор қайтмайди», «Икки эшик ораси», «Дунёнинг ишлари» асарларингиз устида тез-тез баҳс бўлиб туради. Яқинда ўрта мактабни тугатганимизга 10 йил тўлади. Шу муносабат билан биз адабий кеча ўтказмоқчимиз. Мана шу учрашувга, биз синфдошлар, дўстлар маслаҳатлашиб, Сизни таклиф қилишга қарор қилдик.

Келишингиз вақтини қуйидаги адресга маълум қилишингизни илтимос этамиз. Сизни Нукус аэропортида қувонч билан кутиб оламиз.

Салом ва эҳтиром билан, талантингиз муҳлислари.

Туркманистон ССР, Тошовуз вилояти, кўҳна Урганч шаҳри, Камина-Ших кўчаси,

Каримов МАҲМУД.

* * *

Ассалому алайкум, ҳурматли Домла!

Сизга ушбу мактубни ёзишимнинг боиси шуки, бизнинг онамизнинг Сизга бўлган ҳурматлари жуда баланд. У киши сизнинг телевизордан чиқишингизними, радиодан гапиришингизними ёки рўзнома-ойномалар саҳифаларида мақолалар эълон қилишингизни ғоятда истайдилар ва орзиқиб кутадилар, десам муболаға қилмаган бўламан. Гоҳида уйга китоб сотиб олиб келсак, онам «Ўткир Ҳошимовнинг асаримі?» деб сўраб қоладилар. Йўқ, десак, «Анчадан бери китоб ҳам чиқармаяпти, телевизор ва радиодан ҳам чиқмаяпти, тинчликмикан ёки шундоқ яхши ёзувчи кишини ҳафа қилишдимикан!» деб беихтиёр хавотирланадилар...

Янги асарингизни интизорлик билан кутяпмиз. Ҳаяжонли, серзавқ, ўйлантирадиган қисса ва романлар яратишингизда Сизга куч-қувват, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз.

Сизга ҳурмат билан, Урта Осиё медицина-педиатрия институтининг V курс талабаси—мухлисингиз МАТЛУБА.
Китоб шаҳри.

* * *

ТЕЛЕГРАММА

Азиз ва муҳтарам Ўткир Ҳошимович!

Президентимизнинг куни кеча матбуотда эълон қилинган Фармонини ўқиб, бошимиз осмонга етди. Сизни — қадрдонимизни бу юксак мукофот, яъни «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» унвони билан чин қалбдан муборакбод этамиз! Янги ижодий ютуқлар ҳамроҳингиз бўлсин!

Фарғона вилояти, Усмон Юсупов номидаги давлат хўжалиги, САФАРОВ.

ЭРТАГА—МИЛИЦИЯ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ОҚЛАЙЛИК

Мустақилликнинг амалда натижасини кўриш, унинг афзалликларидан тўла-тўкис, ақл ва идрок билан фойдаланиш, меҳнаткаш халқимизнинг турмуш даражасини янада юқори даражага кўтариш — бугунги кунда асосий мақсадлардан бири. Биринчи навбатда шарт-шароитни яратиб беришимиз, унинг имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш учун барча чораларни кўрмоғимиз лозим. Бу борада ички ишлар органлари зиммасига масъулиятли вазифа юклатилган.

Олиб борилаётган кўплаб тадбирий чоралар натижасида мустақил жумҳуриятимизда кейинги бир неча йиллар давомида биринчи маротаба жиноятлар сонини ўсиши тўхтатилди, айрим турдаги оғир жиноятлар сезиларли даражада қисқарди, содир бўлаётган жиноятларни тезлик билан очиш бирмунча муваффақиятли йўлга қўйилди.

Ўтган тўққиз ой мобайнида жиноят қилган шахслардан 46 минги аниқланди, улардан 32 минг нафари ўз шаънига доғ тушириб, қолаверса оила, қариндошуруғлари олдида бадном бўлиб, жиноий жавобгарликка тортилди.

Шуниси ташвишлики, жумҳуриятимиздаги мавжуд иқтисодий қийинчиликлардан ўз манфаати йўлида фойдаланиб, текин даромад ҳисобига яшовчилар орамизда камайиш ўрнига кўпайиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида ўз мансабини суиистеъмол қилиб давлат ва жамоат мулкини талон-торож қилиш ҳоллари 3,5 мингдан ошиб кетди. Шу жумладан 674 таси уюшган ҳолда йирик миқдордаги жиноятлардир.

Бугунги кунда халқимиз учун танқис бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак ва турли хилдаги хўжалик моллари билан чайқовчилик қилувчиларга қарши курашни кучайтириш асосий вазифаларимиздан биридир. Шу кунгача чайқовчилик билан шуғулланувчи 3338 шахс жавобгарликка тортилди. Савдо тармоқларини текшириш жараёнида 7 миллион сўмликдан ортиқ яшириб қўйилган моллар аниқланиб, халққа сотирилди, 4 миллион сўмлик озиқ-овқат ва бошқа халқ истеъмоли моллари жиноий йўл билан йўқ бўлиб кетишидан сақланди.

Шу борада рўзнома мухлислари эътиборига яна бир нарсани ҳавола қилмоқчиман. У ҳам бўлса тақчил молларни четга олиб чиқиб кетишга қарши курашишдир. Бу йил БХСС ходимларимиз томонидан 5,5 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик, озиқ-овқат ва истеъмол моллари олиб чиқиб кетилаётганда ушланди ва давлатга қайтарилди.

Давлат автомобиль назорати ходимлари ҳам бу ишда фаол қатнашмоқдалар. Уларнинг шижоати билан 5346 та транспорт воситалари жумҳурият ҳудудидан ташқарига жаъми 32 минг тоннадан ортиқ юк олиб чиқиб кетаётганида ушланди. Шулардан 166 тоннаси гўшт, 1067 тонна ун маҳсулотлари, салкам 27 минг тонна сабзавот ва полиз маҳсулотларидир. Бундан ташқари, ана шу ушланган транспортлардан 78 миллион 805 минг сўмлик халқимиз учун зарур бўлган кийим-кечак ва бошқа турдаги товарлар олинди ва савдо тармоқларига сотиш учун чиқарилди. Ишларимиз бундан ҳам самарадор бўлиши мумкин. Бунинг учун ҳамма бир бўлиб сен нима қиляпсан, қаерга кетяпсан, нима учун ўз халқингни таъминлашга ажратилган моддий ашёларни биздан яшириб четга олиб кетмоқдасан, халқингга қилган хизматинг шуми, ҳеч бўлмаса вазият барқарор топгунча вақтинча нафсингни тийиб тур дейдиганлар кўпайиши лозим.

Кейинги вақтда айрим жиноятчилар босқинчилик, фирибгарлик, текин даромад топиш мақсадида қуроляроғ ишлатганликларини назарда тутиб, шахсий составимиз эътибори қонунсиз сақлаб ва фойдаланиб келинаётган қуролларни аниқлаб, тортиб олиш, шу йўл билан оғир жиноятлар олдини олишга қаратилган. Милиция ходимлари фақатгина 1990—1991 йиллар мобайнида фуқаролардан 7443 та қонунга хилоф равишда сақланаётган турли хил қуроляроғларни тортиб олди.

Яқинда пойтахтимиздаги ширкатлардан бирининг раиси фуқаро С.нинг қурол-яроғ учун ўқ-дори тўплаётганлиги тўғрисидаги маълумот текширилди. Ундан Эронда ишлаб чиқарилган Маузер системали бешотар карабин, 4 та пневматик ва газли пистолетлар ва қўшоғиз ов милтиғи олинди. Булардан ташқари «Калашников» автоматига ва «Макаров» пистолетига тегишли бўлган ўқ-дори, 10 дона аччиқ тутун тарқатувчи граната, 6 дона портловчи пакет, 3 та махсус радиостанция, сигнал берувчи ракеталар, резинали таёқлар ва бошқа қурол-аслаҳа анжомлари олинди. Тергов натижасини рўзнома саҳифаларида хабар қилиб борамиз.

Ички ишлар органлари фаолияти жуда ҳам кўп қиррали эканлигига ҳамма ҳам тўла-тўкис тушиниб етавермайди. Фақатгина шу йилнинг ўтган даврида бедарак йўқолганлардан 2917 таси топилди. Бир инсонни топиб,унинг тақдирини аниқлаб оиласига қайтариш учун ўнлаб ходимларимиз кечани-кеча, тунни-тун демай ойлаб узоқ юртларга сафар қиладилар. Бундан ташқари, уларни аниқлаб топиш учун кўп миқдорда маблағ сарфланади. Бизни кўпроқ бу масаланинг яна бир томони ташвишга солади. У ҳам бўлса балоғат ёшига етмаган ўспиринларнинг дом-даракси йўқолиши. Шу йилнинг ўзида 1200 дан ортиқ болалар ва ўспиринлар бедарак йўқолди. Улардан 1050 таси милиция ходимлари томонидан топилиб ота-оналари, қариндош-уруғларига қайтарилди.

Ўз-ўзидан савол туғилади: нима учун уларнинг сони кўп, йўқолишларининг сабаби нимада? Асосий сабаби бу оиладаги таълим-тарбия ишларининг ёмонлигида. Биз аниқлаб сўраган ҳар иккита топилган болаларнинг биттаси ўз ота-оналарининг жоҳиллиги, оиладаги доимий ичкиликбозлик туфайли бўлаётган жанжаллар оқибатида ўз уйларини тарк этишга мажбур бўлганликларини айтишди.

Шу кунларда ички ишлар ходимлари яна бир масъулиятли ишни амалга ошираяптилар. У ҳам бўлса Президентимиз И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини эълон қилиш шарафига қамоқ жазосини ўтаётган, жиноий ишлари тергов ва суд маҳкамаларида кўрилаётган айрим шахсларни авф (амнистия) этиш тўғрисидаги Фармонини тўла-тўкис бажаришдир. Албатта, ушбу Фармонни биз қисқа муддатда бажаришга ишончимиз комил. Лекин, масаланинг иккинчи томони шуки, мана шу авф этилган фуқароларимизга етарлича шароит яратиб, уларни ҳеч қандай расмиятчиликка йўл қўймасдан ишга жойлаштириш, рўйхатдан ўтказиш, қария ва ногиронларга тиббий ёрдам беришимиз керак.

Ўзларининг ҳаётий иш тажрибаларини ёш ходимларимизга ўргатиб келаётган, оғир ва мураккаб кунларимизда ёрдам қўлини чўзаётган олижаноб мураббийлар, халқ ардоқлаган генералларимиз — Б. Ҳ. Сирожиддинов, Т. А. Жалилов, М. А. Симонов, Р. А. Дорогинин, М. Н. Султонов, Ж. А. Аъзамов, Т. Абдуллаев, У. С. Раҳимов, С. Ю. Бурхонов, Р. Р. Саитбоев, жумҳуриятимизнинг вилоят ва ноҳияларида истиқомат қилаётган бошқа минглаб истеъфодаги касбдошларимизга чексиз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Анъанавий касб байрамимиз — Милиция куни арафасида мен бутун жумҳуриятимиз осойишталигини таъминлаётган ҳамкасбларимни ва бизга ҳамдард бўлиб ёрдам бераётганларни шу байрам билан чин қалбимдан табриклаб, уларга сиҳат-саломатлик, оилаларига бахт ва тинчлик, осойишталик, қонунчиликни мустаҳкамлаш йўлидаги ишларида янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Ғ. РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири муовини, милиция генерал-майори.

СПОРТ

ҚИШЛОҚ ПОЛВОНЛАРИ

Болаларни кўпроқ нималарга қизиқишини олдиндан айтиш қийин. Балки улар қўшиқчи, учувчи ёки шифокорликни ёқтиришар. Ким бўлсам экан, деган саволга ҳар қандай бола ҳам дабдурустдан жавоб беролмайдику. Аммо наримоновчилардан бу борада жавоб топиш мумкин. Боиси, Боғот районидаги бу жамоа хўжалигида истиқомат қилаётганларнинг фарзандлари асосан спортга, хусусан полвон бўлиб беллашишга кўпроқ қизиқадилар.

Бу ерда алпомишдек тоғни урса талқон қиладиган даражада камол топишни истаганлар сафи кенгайиб бормоқда. Ҳозир 250 дан ортиқ йигит спорт мактабида самбо бўйича машғулотларга мунтазам қатнашмоқда. Бунинг устига хўжаликда ҳар йили Бутуниттифоқ айни вақтда халқаро мусобақаларга тенг баҳслар ташкил этишга шароит яратилмоқда. Шундай йирик мусобақалардан бири шу қишлоқ фарзанди, моҳир ташкилотчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Искандар Дўсов хотирасига бағишланган беллашувдир.

Совриндорлик баҳси тобора оммавийлашяпти. Соврин учун курашга кимлар келмайди, дейсиз. Жумҳурият мусобақаларида кураги ер искамаган полвонлардан тортиб, мамлакат, ҳатто жаҳон мусобақаларида ҳам совринли ўринларни эгаллаган спортчилар ташриф буюришади. Наримоновчилар орасида курашга ихлос ортиб бораётгани ҳам балки шундандир.

— Шундай бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас, — дейди самбочилар устози, Ўзбекистон терма командаси бош тренери Б. Жўраев. — Бундай ҳақиқий полвонликка иштиёқ ихлосни оширади. Ихлос бўлса ютуқлар ҳам «эшик» очаверади. Бу борада кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Айтайлик, спорт мактабида 500 нафар ёш самбочи таҳсил оляпти. Улардан 15 нафари спорт устаси ҳисобланади.

Бу мусобақанинг яна диққатга сазовор томони бор. Самбо бўйича распублика мусобақалари ўз йўлига. Зотан, Искандар Дўсов хотира соврини учун беллашув ёшларни камол топтириш, маҳоратини ошириш ва уларни Бутуниттифоқ аҳамиятига молик баҳсларга чоғлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Соврин учун кураш кўнгилдагидек ташкил этилди. Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон, Россия, ва республиканинг қарийб барча вилоятларидан келган 140 дан ортиқ самбочи ўзаро беллашди. Ғолибларга бериладиган мукофотлар ҳам муносиб эди. Биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаганлар спорт устаси унвонига лойиқ кўрилди. Майдонга тушганлар беллашувининг қизғин ва муросасиз баҳсга айланиши муҳлисларни кўпроқ қувонтирди. Ғолиблар орасида Наримонов номли хўжалик ёшлари кўпчиликни ташкил этди. Олти нафар хоразмлик полвон ҳам спорт устаси бўлди.

— Биз спортнинг фақат самбо тури билан кифояланибгина қолмай, курашнинг бошқа хилларига ҳам аҳамият бериш ниятимиз бор,— дейди Хоразм вилояти кураш федерацияси раиси Худойберган Нурфуллаев. — Ҳаммаси ёшликдан бошланган ихлосга боғлиқ. Уни ривожлантириш учун қулай шароит яратилса бас. Боғотликлар самбо борасида ажойиб ютуқларга эришяпти, афсуси бошқа районларда ҳам шундай ниятлар билан саъйи ҳаракатлар қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Демак, боғотликлар тажрибасини ўрганиш кўпроқ самара бериши мумкин. Мақсадимиз машҳур Паҳлавон Маҳмуд неваларининг боболарига ўхшаб доврўғ таратишларига эришиш.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Самарқандда очилган тарихий либослар театри «Мерос» деб номланди.

Унинг ўзига хос бу спектаклга маҳаллий бастакорлар мусиқа ёзишган. Спектакл мобайнида кўз ўнгингизда қадимги замонлардан XIX асргача бўлган давр миллий кийимлари гавдаланади.

Аёллар ва эркакларнинг бу миллий либосларини Ўзбекистон Фанлар Академиясининг археология институти ходимлари узоқ ва машаққатли изланишлардан сўнг йиғишди ва шуниндек, музей ва архивларнинг экспонатларидан топишга муяссар бўлдилар.

СУРАТДА: миллий кийимларни намойиш этиш пайти.
Р. ҒОФУРОВ (ЎзТАГ) олган суратлар.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

11—17 ноябрь

• Ҳар куни

● 8.25 да **«Соғлом бўлай десангиз»** (шанба ва якшанбадан ташқари, ЎзТВ I).

● 18.00 да **Янгиликлар** (ЎзТВ I).

● 19.30 да рус тилида **«Ахборот»** программаси (ЎзТВ I).

● 21.00 да ўзбек тилида **«Ахборот»** программаси (ЎзТВ I).

● 6.00 да **«Тонг»**. Ахборот-мусиқий кўрсатуви (МТ ОРБИТА-IV).

● 12.30 да **ТСН** (шанба ва якшанбадан ташқари), 15.30 да (ҳар куни, МТ ОРБИТА-4 да).

● 21.30 да **«Информацион программа»** (ЎзТВ II ва МТ ОРБИТА—IV программаларида).

• II, душанба

● **ЎзТВ I**

18.10 Мультфильм. 18.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Истиқбол». 19.00 «Давр ва сиёсат». «Озодлик» радиостанцияси ўзбек шўъбаси бўлимининг раҳбари Ёқуб Тўрон билан суҳбат. 19.50 «Сурхон». Телефильм. 20.00 «Ҳулкар». Телеойнома. 21.25 Санъат усталари ва ижрочи ёшлар концерти. 22.45 «Малласоч малика». Бадиий фильм.

● **ЎзТВ II**
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Ассалому алайкум». 19.30 «Ёднома». Абдулла Қодирий. 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 «Жонланган тош». Телефильм. 20.25 «Шаҳар юмушлари». 22.10 «Мени ола кетинг». Бадиий фильм.

● **МТ — «ОРБИТА-IV»**

9.35 Мультфильм. 10.10 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Хачирлар» (Мексика). 10.15 «Экологик бумеранг». «Джамбори-91»нинг махсус сони. 11.15 «Орнамент» ансамбли ижро этади. 11.30 «Кўприк». Ҳужжатли фильм. 12.00 Футбол шарҳи. 12.50 Б. Березовский чалади (фортепьяно).
14.45 «Ён дафтар». 14.50 «Телемикст». 15.35 «Бу бўлган... бўлганди...» 15.55 «Картина». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 17.15 Болалар соати. 18.15 «Бозор қонунларига биноан». 18.45 Милиция кунига бағишланган концерт. 22.10 Милиция кунига бағишланган концертнинг давоми. 22.55 «Муз устида миллион». Хоккей турнири. «Алиса кубоги». Финал. Танаффус пайтида — ТСН. 01.35 Муаллифлар ойнаижаҳони. 03.20 ТСН. 03.35 «Картина». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.

• 12, сешанба

● **ЎзТВ I**

18.10 Мультфильм. 18.20 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 18.50 «Бунёдкор». 19.50 «Усмир ва қонун». 20.20 «Камолот сари». Қўзивой Отажонов. 21.25 «Спортлото». 21.30 «Экран таништиради». 22.20 «Харидоргир йигит». Телеспектакль.

● **ЎзТВ II**

10.30 Ўқув кўрсатувлари.
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Суҳбатга чорлаймиз». 19.35 «Ёнғиндан эҳтиёт бўлинг». 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида. 22.10 «Кинонигоҳ». 24.00 «Пульс».

● **МТ — «ОРБИТА-IV»**

9.35 Болалар соати (француз тили дарси билан). 10.35 Г. Телеман. Ля минор концерти. 10.55 «Муз устида миллион» хоккей турнири. «Алиса кубоги». Финал. 3-давр. 11.35 «КТВ-I» ҳамда Франс интернациональ канали таништиради: «Бретанлик тоғаванча». Бадиий фильм. «Полиция участкаси» серияси. 12.45 Мультфильм. 12.55 «Момоҳаво». Телефильм премьераси.
14.25 Биржа янгиликлари. 14.40 «Ён дафтар». 14.45 «Телемикст». 15.30 «Савдо растаси». Тижорат хабарномаси. 15.45 «Николай Озеров ҳузурида меҳмонда». 16.15 «Картина». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 17.35 Мультфильм. 17.45 «Чемпионлар билан биргаликда». 18.00 «Болалар мусиқий клуби». 18.45 «Қизиқувчилар олами». 19.00 ТСН. 19.15 Шеърият лаҳзалари. 19.25 «Даҳлдорлик». Чернобиль фожиасининг оқибати ҳақида телефильм премьераси. 20.15 «Ринг-бенд». Европа чемпионати. Хотин-қизлар. 20.30 «КТВ-I» ҳамда Франс интернациональ канали таништиради: «Бретанлик тоғаванча». Бадиий фильм. «Полиция участкаси» серияси. 22.10 «Театр учрашувлари». 23.45 ТСН. 24.00 «Кўк кўз соддадил киши». С. Порокефьев ҳақида фильм-фантазия. 01.20 «Мусиқий башорат». 01.50 Епископ Василий Родзянко билан суҳбатлар. 02.15 «Картина». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

• 13, чоршанба

● **ЎзТВ I**

8.00 «Ахборот». 8.35 «Филон». Телефильм. 8.45 «Ягона оилада». 9.20 Дилрабо концерт. 10.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида».
18.10 Мультфильм. 18.30 «Сиҳат-саломатлик». 19.00 «Чорвадор». 19.50 «Турғун Алиматов ижро этади». Фильм-концерт. 20.00 «Мерос». Ҳайратий. Видеофильм премьераси. 21.25 «Дард қадри». Ўзбекистон халқ артисти Ҳамза Умаров. 22.15 «Парвоздаги турна». Бадиий фильм.

● **ЎзТВ II**

10.30 Ўқув кўрсатувлари.
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради». Мультфильмлар тўплами. 19.20 «Спринт». 20.00 «Мусаввир Баҳодир Жалолов.» 20.30 «Касбимиз соғлиқни сақлаш ва ишбилармонлик». 22.10 «Кинокўзгуда ҳаёт».

● **МТ — «ОРБИТА-IV»**

9.35 «Чемпионлар билан биргаликда». 9.50 «Болалар мусиқий клуби». 10.35 «Остап Вишня ҳаётидан». Телевизион бадиий фильм премьераси. 11.55 Мультфильмлар. 12.45 Балет артистларининг концерти. 13.10 «Ватан, биз қайтиб келдик». Ҳужжатли фильм премьераси.
15.10 «Биржа учувчиси». 15.20 «Ён дафтар». 15.25 «Телебиржа». 15.55 «Ҳаёт кузи»... 16.10 «Картина». Телевизион бадиий фильм. 3-серия. 17.30 Болалар соати. 18.30 «Тбилиси. 1991 йилнинг октябри». Хроникал-публицистик фильм премьераси. 19.00 ТСН. 19.15 «Планета». 19.50 Мультфильм. 20.10 «Остап Вишня ҳаётидан». Телевизион бадиий фильм премьераси. 22.10 В. Моцардо ижросида қадимий романслар. 23.15 Футбол. Европа чемпионатининг саралаш матчи. Кипр — СССР терма командалари. Танаффус пайтида — ТСН (сурдо таржимаси билан). 01.00 Епископ Василий Родзянко билан суҳбатлар. 01.25 «Иоганн Себастьян Бах». Телефильм премьераси. 1-фильм. 02.25 «Картина». Телевизион бадиий фильм. 3-серия.

• 14, пайшанба

● **ЎзТВ I**

8.00 «Ахборот». 8.35 «Баҳосиз дарс». Бадиий фильм. 9.45 «Ёшлик» студияси саволарингизга жавоб беради.
18.10 «Севимли саройимиз». 18.55 «Алифбо сабоқлари». II босқич. 19.50 «Нафосат» жаридаси саҳифаларида. 20.20 Республикада хизмат кўрсатган артист Аҳмаджон Шукуров куйлайди. 21.25 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Чархпалак» ёки «Бахтингдан кўр». 8-кўрсатув. 22.05 «Имконият». Бадиий фильм.

● **ЎзТВ II**

10.30 Ўқув кўрсатувлари.
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Бўстонликда олтин куз». 19.00 «Бу оқшомда» кўрсатуви. 20.00 «Пульс». 20.10 «Бу оқшомда» кўрсатувининг давоми. 22.10 «Кинонигоҳ». 24.00 «Пульс».

● **МТ — «ОРБИТА-IV»**

9.30 Болалар соати. 10.30 «КТВ—1» ҳамда франц-интернациональ канали таништиради. «Тартевэн ғойиб бўлди». Бадиий фильм. «Полиция участкаси» серияси. 11.30 Мулоқот алифбоси. 12.15 ИИВ маълумотларига кўра... 12.45 Мультфильм. 12.55 Футбол. Европа чемпионатининг саралаш матчи. Кипр — СССР терма командалари. 2-тайм.
14.35 «Бирдж». Телебиржа. 15.05 «Телемикст». 15.50 «Бугун ва ўша пайтларда». 16.20 «Филипп Траум». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 17.25 «Кубань тўйи». 18.00 «Қизиқувчилар олами». 18.15 ИИВ маълумотларига кўра... 18.30 Давлат «Виртоузи Москви» камер оркестри чалади. 19.00 ТСН. 19.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 20.00 «Келажакка биргаликда». Ахборот-публицистик телефильм премьераси. 20.30 «КТВ-1» ҳамда Франс интернациональ канали таништиради: «Тартевэн ғойиб бўлди». Бадиий фильм. «Полиция участкаси» серияси. 22.10 «Киносерпантин». 23.40 ТСН. 23.55 «Илҳом манбалари». 00.55 И. Тальков хотираси 01.40 «Акамнинг тўйи» Телевизион бадиий фильм. 02.50 «Биатлон. Асосий стартлар олдинда».

• 15, жума

● **ЎзТВ I**

8.00 «Ахборот». 8.35 «Болалар». Бадиий фильм. 10.10 «Оила ва жамият» рўзномаси саҳифаларида. 10.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».
18.10 Янгиликлар. 18.20 «Сув қадри». 18.55 «Таълим ва маданий мерос». 19.50 Мумтоз куйлардан концерт. 20.20 «Маърифатнома». 21.25 «Ижод саҳифалари». 22.50 «Қўшқопқон». Бадиий фильм. 1-серия.

● **ЎзТВ II**

10.30 Ўқув кўрсатувлари.
АШХОБОД КЎРСАТАДИ.

● **МТ — «ОРБИТА-IV»**

9.35 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 10.20 Мультфильм. 10.40 «Оила». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм премьераси. 11.05 Москва триоси чалади. 11.30 «Илҳом манбалари». 12.45 «Шарқ афсоналари маржони». 13.20 «Эшикжон, очил!». Телефильм.
14.40 «Ён дафтар». 14.45 «Шерик». 15.15 Биржа янгиликлари. 15.45 «Филипп Траум». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 16.50 Бевосита мулоқот. 17.20 Болалар учун фильм. «Медео учрашувлари». Телевизион бадиий фильм. 18.30 Украина Президент сайловларига тайёрланмоқда. 19.00 ТСН. 19.15 Шеърият лаҳзалари. 19.20 «Инсон ва қонун». 20.05 «Оила». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм премьераси. 20.30 «Вид» таништиради: «Мўъжизалар майдони» 22.10 «Вид» таништиради. 01.40 ТСН. 01.55 Катталар учун мультфильмлар. 02.20 «Рақслар, рақслар, рақслар».

• 16, шанба

● **ЎзТВ I**

8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Қора капитан». Бадиий фильм. 10.25 «Қувноқ стартлар». 11.15 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Сорбон». 12.15 «Ҳуқуқ ҳаётимизда». 12.45 «Истиқбол йўлида». 13.05 Бадиий хандалари. 14.20 «Ёшлар муаммолари». Бевосита мулоқот. 15.05 «Замин саховати». 18.00 Мультфильм. 18.15 «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.50 «Депутат минбари». 20.05 «Мусиқа жавони». 21.00. «Ҳафтанома». 22.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ҳамшаҳарлар». 23.00 «Қўшқопқон». Бадиий фильм. 2-серия.

● **МТ — «ОРБИТА-IV»**

7.30 Ритмик гимнастика. 8.00 «Ишбилармон кишининг шанба тонги». 9.00 ТСН. 9.15 «Байкалда куз». Телевизион мусиқий фильм. 9.30 «Китобхона». 10.30 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 11.00 Экологик шарҳ. 11.15 «Мусиқий дўкон». 11.45 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 13.00 Режиссёр С. Колосов фильмлари. «Тайинланиш». 14.25 «Тадбиркор». Ишбилармон кишиларнинг телеклуби. 15.40 ТСН. 15.55 «Руслан ва Людмила». Бадиий фильм. 1 ва 2-серия-лар. 18.25 Теннис. «Кремль кубоги». Мусобақа якунлари. 19.30 «Ажойиб шаҳар Москов». Олти серияли телефильм. 4-серия. 20.00 Кўп серияли мультфильм премьераси. 20.25 Я. Сибелиус. «Ғамгин вальс». 20.30 «Кузги бахт». Телевизион бадиий фильм премьераси. 22.10 Давлат Марказий концерт залининг 20 йиллигига бағишланган концерт. Танаффус пайтида — ТСН. (сурдо таржимаси билан). 01.40 «Брикмилдаги жанжалли воқеа». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-серия-лар.

• 17, якшанба

● **ЎзТВ I**

8.00 «Ҳафтанома». 9.00 «Сирли най». Жумҳурият қўғирчоқ театрининг спектакли. 10.00 Араб тили. 10.30 «Ҳужжатли экран». 11.15 «Жамоат ташкилотларида». 11.45 Инглиз тили. 12.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Танаффус». 13.30 «Йўлингиз бехатар бўлсин». 14.00 «Деҳқон ва замин».
15.55 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Металлург» (Липецк). Танаффус пайтида — «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал. 17.50 Мультфильм. 18.00 «Шоирлар — болаларга». 18.30 «Талабалик йилларим». 19.50 «Навоий гулшани». 20.20 «Якшанба оқшомида». 21.25 «Изро Малаков куйлайди». Видеофильм премьераси. 22.25 «Шошилинч чақирув». Бадиий фильм.

● **МТ — «ОРБИТА-IV»**

8.30 Ҳамма учун. 9.00 ТСН. 9.20 «Спортлото» тиражи. 9.35 «Севги изҳори». 9.50 «Эрта саҳарлаб». 10.35 «Ватан хизматида». 11.05 «Тонг юлдузи». 12.05 «Қишлоқ янгиликлари». 14.05 «Марафон-15». 15.05 «Халқ драма театри». Телефильм. 15.45 «Пи» белгиси билан». 17.15 «Ер — она масканимиз». Фототанлов. 17.20 «Ёқмаса, ўчириб қўйинг». 18.05 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Марҳумнинг пойабзали» (Англия). 18.10 «Халқаро панорама». 18.40 «Уолт Дисней таништиради...» 19.30 «Салом, ўртоқлар!», Ҳужжатли фильм премьераси. 20.00 «Улиш учун ҳали жудаям ёшман». Бадиий фильм. 22.10 Хоккей. СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Спартак». 2 ва 3-даврлар. 23.25 ТСН (сурдо таржимаси билан). 23.40 Телевизион спорт кечаси. 00.40 «Бир бенефис тарихи». Бари Алибасовнинг «На-на» томошалари.

БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги молия вазирлигининг муовини — Давлат суғурта бошқармасининг бошлиғи С. С. Бузрукхўжаевга онаси

Ёқут БУЗРУКХУЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат маданият олий билимгоҳи маъмурияти оммавий тадбирлар режиссураси ва халқ ижодиёти кафедрасининг ўқитувчиси

Юсуф Аброрович РАҲМАТУЛЛАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент қурилиш коллежи жамоаси ўқитувчи

Шавкат БОБОЖОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдарлик изҳор этади.

Тошкент Давлат дорилфунунининг амалий математика ва механика факультети жамоаси ЭҲМнинг математик таъминоти кафедрасининг катта ўқитувчиси А. Абдуқодировга онаси

Зебинисо САЛИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республика Телерадио Давлат қўмитасининг Ўзбекистон радиоси жамоаси мусиқа муҳаррири Р. Мансуровга онаси

Раҳимахон Наби қизи МУМИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат Аграр Дорилфунунининг ректорати ва касаба уюшмаси ташкилоти Деҳқончилик шўбасининг доценти Т. З. Файзиевга отаси

Зуфар ФАЙЗИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ЖАМОАСИ

Нашр кўрсаткичи 6281.
Буюртма № 6121.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 20.30

№ 217.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.